

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**4-сон**  
**(348)**  
**2009 йил**  
**26 январь**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

20. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 январдаги ПҚ–1037-сон қарори
21. «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 20 январдаги ПҚ–1041-сон қарори
22. «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 январдаги ПҚ–1045-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

27. «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқ-

- лаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 13 декабрдаги 28/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1885*)
28. «Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига бир марталик пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги 122, 12-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1886*)
29. «Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 17 декабрдаги 76-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1887*)
30. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 13 декабрдаги 28/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-26*)
31. «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 15 декабрдаги 2008-43-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-2*)
32. «Адвокатлик гувоҳномасини беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 20 январдаги 13-мқ-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1888*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 17 январдан 23 январгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 20 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. 2005 йил 25 ноябрь куни Москва шаҳрида имзоланган 1994 йил 15 апрелдаги меҳнат миграцияси ва меҳнаткаш-мигрантларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги Битимга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Протокол тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 январь,  
ПҚ-1037-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**21** **Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг илдам ривожланишини таъминлаш, шу асосда иқтисодиётнинг барқарор ҳамда жадал тараққий топиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва республика минтақаларининг табиий ҳамда иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек янги иш ўринларини шакллантириш ва аҳолининг, айниқса ёшларнинг бандлигини, одамларнинг даромадларини ошириш ва фаровонлигини юксалтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Республика йўл жамғармасининг 1-иловага\* мувофиқ Автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш доирасида энг серкатнов участкаларда йўллارни тўртта полосагача кенгайтирган ҳолда ер полотносини тайёрлаш борасидаги йўл ишларини жадаллик билан олиб бориш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда тайёрланган 2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини жадал барпо этиш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш Дастурининг асосий параметрлари 2-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Ўзбекэнерго» ДАК, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК, Республика йўл жамғармаси, «Ўзавтойўл» ДАК билан биргаликда 1-2-иловаларда кўрсатилган лойиҳалар бўйича техник-иқтисодий асослар ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, хўжалик бирлашмалари ва хўжалик юритувчи субъектлар, инвестиция лойиҳалари ташаббускорларининг шахсий маблағлари, шунингдек ихтисослаштирилган тармоқлар ривожланиш жамғармаларининг маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, тижорат банклари ва халқаро молия институтларининг кредитлари ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, реконструкция қилиш ҳамда модернизациялаш бўйича ишларни молиялашнинг асосий манбалари ҳисобланади.

\* 1-2-иловалар берилмайди.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзавтойўл» ДАК, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Ахборот-таҳлил департаментлари раҳбарлари зиммасига Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш Дастурларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. 2009 йилда Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини жадал барпо этиш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш Дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича Махсус комиссия таркиби 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин, Комиссияга, зарур ҳолларда, тасдиқланган Дастур параметрларига тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш Дастурларининг амалга оширилиши Вазирлар Маҳкамаси Президиумининг мажлисларида ҳар ойда кўриб чиқилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 20 январь,  
ПҚ-1041-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# 22

### Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида

Республика шаҳар ва аҳоли пунктларининг замонавий қиёфасини янада шакллантириш, уларни ободонлаштиришни тубдан яхшилаш, ободонлаштириш бошқармаларини замонавий махсус транспорт ва механизация восита-

---

\* 3-илова берилмайди.

лари билан жиҳозлаш, шунингдек, банд бўлмаган аҳолини ободонлаштириш ишларига жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рағбатлантириш мақсадида:

1. Қўйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасидаги энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

ободонлаштириш ишлари архитектура-қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, шунингдек, шаҳар ва аҳоли пунктларининг ташқи қиёфасига нисбатан қўйилган замонавий талабларга қатъий мувофиқ равишда ўтказилишини таъминлаш;

ободонлаштириш объектларидан санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш ишларини ташкил этиш;

ободонлаштириш соҳасида қўшимча иш ўринларини ҳамда аҳоли бандлигини ошириш, самарали ишлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

ободонлаштириш бошқармаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

2. Ободонлаштириш бўйича харажатларни молиялашнинг асосий манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича прогноз тушумларининг 50 фоизи;

автотранспорт тўхташ жойи бўйича пулли хизмат кўрсатишдан олинган йиғимнинг 100 фоизи;

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳамда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газдан фойдаланганлик учун жисмоний шахслардан олинадиган солиқ бўйича прогноздан ортиқча тушумлар;

хайрия (ҳомийлик) ёрдамлари ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалардан тушган маблағлар.

Ҳўжалик юритувчи субъектларга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, уларнинг тасарруфида қоладиган шахсий маблағлари ҳисобидан шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармаларига аҳоли пунктларини ободонлаштириш мақсадлари йўлида хайрия (ҳомийлик) ёрдами кўрсатиш тавсия этилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари 1-иловага\* мувофиқ энг кам норматив даражагача миқдорда ишлаб чиқариш ходимлари билан тўлдирилишини таъминласин.

4. 2009 — 2011 йилларда ободонлаштириш бошқармаларини замонавий махсус транспорт воситалари билан жиҳозлаш дастури 2 ва 2а-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ободонлаштириш бошқармаларини замонавий махсус транс-

---

\* 1, 2, 2а-иловалар берилмайди.

порт воситалари билан жихозлаш дастурининг тасдиқланган параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

жумладан, 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра республика бюджетининг бўш қолдиқлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмларини ортиғи билан бажариш ҳисобидан 2009 йилда ободонлаштиришга сарфланадиган харажатларни 3-иловага\* мувофиқ оширсин;

2010 йилги ва кейинги йиллардаги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ободонлаштириш бўйича харажатлар мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилишини инобатга олсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2009 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда шаҳар посёлкалари мақомини олган аҳоли пунктларининг кўкаламзорлаштириш майдонларини, кўчалари ва йўлкалари узунлигини, ирригация тармоқлари ҳамда бошқа ташқи ободонлаштириш объектларини инвентаризациядан ўтказсин ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига уларга хизмат кўрсатиш учун зарур бўладиган маблағларнинг асосланган ҳисоб-китобини тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2010 йилги бюджет параметрларини шакллантиришда янги шаҳар посёлкалари ташкил этилишини ҳисобга олган ҳолда ободонлаштириш объектларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш учун маблағларни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ободонлаштириш ходимларини, уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирларини ва хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳамда бажариладиган ишларнинг сифатига қараб иш ҳақи миқдори белгиланишини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткасига ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда шаҳарлар ва туманларни ободонлаштириш соҳасида, вақт меъёрлари, хизмат кўрсатиш ҳудудлари ва ходимлар сони нормативларини ҳисобга олган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

---

\* 3-илова берилмайди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Мустақиллик майдонини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва сақлаш департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 24 декабрдаги 606-сон қарорининг 1-иловасидаги «Жами ходимлар сони — 134 киши» сўзлари «Жами ходимлар сони — 274 киши» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда аввал қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 22 январь,  
ПҚ-1045-сон



## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## 27 Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1885*

*(2009 йил 29 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

«Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги низом (1999 йил 5 март, рўйхат рақами 662);

«Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги низомга 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар (2000 йил 22 февраль, рўйхат рақами 662-1);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/4-сонли «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни қисман ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (2008 йил 3 июнь, рўйхат рақами 662-3 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 22-23-сон, 217-модда).

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Марказий банк раиси****Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 13 декабрь,  
28/4-сон

Марказий банк Бошқарувининг  
2008 йил 13 декабрдаги 28/4-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан  
амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия  
ҳисоби тўғрисида  
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил 5-6-сон, 54-модда), «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 йил, 9-сон, 142-модда), «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) мувофиқ, тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш ва қимматли қоғозлар бозорида воситачилик билан боғлиқ операциялар ҳамда қимматли қоғозлар билан муддатли битимларга оид операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини белгилайди.

**I. Тижорат банклари томонидан чиқариладиган  
акциялар ҳисоби**

1. Акциялар ҳужжатсиз шаклда депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар электрон тарзида чиқарилади. Қимматли қоғозлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳамда чиқарилган акциялар Марказий депозитарийда ҳисобга олингандан сўнг, депозитарийнинг ҳисоботида асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90329 — «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари»;

Кт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ».

2. Обуна қилинганда ва акция олди-сотди шартномаси тузилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

а) имтиёзли акциялар бўйича:

Дт 30303 — «Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)»;

Кт 30309 — «Рўйхатдан ўтказилган устав капитали — Имтиёзли»;

б) оддий акциялар бўйича:

Дт 30306 — «Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)»;

Кт 30312 — «Рўйхатдан ўтказилган устав капитали — Оддий».

3. Акция учун тўлов тўлиқ ёки қисман олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи;

Кт 30303 — «Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)» ёки 30306 — «Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)».

4. Тўлов тўлиқ олингандан сўнг битим амалга оширилганда, акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) имтиёзли акциянинг номинал қийматига:

Дт 30309 — «Рўйхатдан ўтказилган устав капитали — Имтиёзли»;

Кт 30315 — «Чиқарилган устав капитали — Имтиёзли»;

б) оддий акциянинг номинал қийматига:

Дт 30312 — «Рўйхатдан ўтказилган устав капитали — Оддий»;

Кт 30318 — «Чиқарилган устав капитали — Оддий»;

в) обуна баҳоси ва номинал қиймат ўртасидаги ижобий фарқ суммасига:

Дт 30309 — «Рўйхатдан ўтказилган устав капитали — Имтиёзли» ёки

30312 — «Рўйхатдан ўтказилган устав капитали — Оддий»;

Кт 30603 — «Қўшилган капитал»;

г) бир вақтнинг ўзида акция бўйича эгалик ҳуқуқи акциядорларга ўтказилганда, депозитарийнинг акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоботига асосан:

Дт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90329 — «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари».

5. Акцияларни чиқарилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар 56795 —

«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағининг «Акцияларни чиқариш билан боғлиқ харажатлар» алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

6. Агар акциялар чиқарилишидан аввал акциянинг қиймати потенциал акциядорлар томонидан тўлиқ ёки қисман тўланганда, акциялар бўйича олдиндан тўловлар, акциялар чиқарилишига қадар мажбуриятларда акс этирилади. Шунингдек, банкнинг янги акцияларига обунада иштирок этиш кафолати учун потенциал акциядорлар томонидан омонат (депозит) қўйилиши мумкин.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) олдиндан тўлов амалга оширилганда:

Дт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи;

Кт 29830 — «Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар»;

б) акциялар сотилганда, акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботига асосан:

Дт 29830 — «Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар» — тўлов суммасига;

Кт 30315 — «Чиқарилган устав капитали — Имтиёзли» ёки

30318 — «Чиқарилган устав капитали — Оддий» — акциянинг номинал қийматиغا;

Кт 30603 — «Қўшилган капитал» — тўлов суммаси билан номинал қиймати ўртасидаги ижобий фарқ суммасига.

в) бир вақтнинг ўзида ушбу Йўриқноманинг 4-банди «г») кичик бандида кўрсатилган бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

7. Эълон қилинган дивидендларнинг ҳисобланиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» (йиллик дивидендларни ҳисоблашда);

31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» (оралиқ дивидендларни ҳисоблашда);

30903 — «Умумий захира фонди» (фойда етмаганда имтиёзли акциялар бўйича);

Кт 29822 — «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар».

8. Дивидендлар тўланганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 29822 — «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар»;

Кт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи.

9. Ҳисобланган дивидендлар қонунчиликда белгиланган тартибда банк

устав капиталини оширишга йўналтирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 29822 — «Тўланиши лозим бўлган дивидендлар»;

Кт 30315 — «Чиқарилган устав капитали — Имтиёзли» ёки

30318 — «Чиқарилган устав капитали — Оддий» — акциянинг номинал қийматига;

Кт 30603 — «Қўшилган капитал» — номинал қийматидан юқори суммасига.

Бир вақтнинг ўзида ушбу Йўриқноманинг 4-банди «г)» кичик бандида кўрсатилган бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

10. Акцияларнинг номинал қийматини ошириш ҳисобига устав капитали кўпайтирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30603 — «Қўшилган капитал» ёки

31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ёки 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» (30603 ҳисобварағида маблағ етмаганда);

Кт 30315 — «Чиқарилган устав капитали — Имтиёзли» ёки

30318 — «Чиқарилган устав капитали — Оддий».

11. Тақсимланмаган фойдани капиталлаштириш ҳисобига қўшимча акциялар жойлаштирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)»;

Кт 30315 — «Чиқарилган устав капитали — Имтиёзли» ёки

30318 — «Чиқарилган устав капитали — Оддий» — акциянинг номинал қийматига;

Кт 30603 — «Қўшилган капитал» — номинал қийматидан юқори суммасига.

12. Илгари чиқарилган қимматли қоғозларга эркин айирбошлаш ҳисобига банк акциялари жойлаштирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) имтиёзли акцияларни оддий акцияларга ёки имтиёзли акцияларни бошқа турдаги имтиёзли акцияларга айирбошланганда:

Дт 30315 — «Чиқарилган устав капитали — Имтиёзли» — акциянинг номинал қийматига;

Кт 30315 — «Чиқарилган устав капитали — Имтиёзли» ёки

30318 — «Чиқарилган устав капитали — Оддий» — акциянинг номинал қийматига;

б) эркин айирбошланадиган облигациялар айирбошлаш учун тақдим этилганда:

Дт 23602 — «Чиқарилган облигациялар» баланс ҳисобварағининг «Эркин айирбошланадиган облигациялар» шахсий ҳисобварағида — эркин айирбошлашга тақдим этилган қимматли қоғоз қийматига;

Кт 30315 — «Чиқарилган устав капитали — Имтиёзли» ёки  
30318 — «Чиқарилган устав капитали — Оддий» — акциянинг номинал қийматига;

Кт 30603 — «Қўшилган капитал» — номинал қийматидан юқори суммасига, айирбошлаш коэффиценти 1 дан юқори бўлганда.

13. Акцияларни номинал қийматини камайтириш ҳисобига уларнинг сонини кўпайтиришда (майдалашда), банклар ҳар бир акциядорнинг акцияси сонига мувофиқлаштириш учун шахсий ҳисобварақларда тегишли тузатишларни амалга оширади. Бу ҳолда улар бўйича бош китобда бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилмайди.

Акцияларни сонини камайтириш ҳисобига уларнинг номинал қийматини оширишда (йириклаштиришда), бош китобда ҳеч қандай бухгалтерия ўтказмаларини амалга ошириш талаб этилмайди ва фақат шахсий ҳисобварақларда тузатишлар амалга оширилади.

14. Агар банк ўз акцияларини уларни қайта сотиш ёки бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда банкнинг ўз капитали акцияни сотиб олиш қийматига камаяди. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30321 — «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Имтиёзли (контр-пассив)» ёки

30324 — «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Оддий (контр-пассив)»;

Кт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи.

15. Агар банк ўз акцияларини бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90329 — «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари» ҳисобварағига 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кириш қилинади:

Дт 90329 — «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари»;

Кт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ».

16. Агар банк ўз акцияларини кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90337 — «Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари» ҳисобварағига номинал қийматида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кириш қилинади:

Дт 90337 — «Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари»;

Кт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ».

17. Сотиб олинган банкнинг ўз акциялари кейинчалик иккиламчи бозорда қайта сотилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) сотиб олиш баҳосига нисбатан қиммат баҳода сотилганда:

Дт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи — акцияни сотиш қийматиغا;

Кт 30321 — «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Имтиёзли (контр-пассив)» ёки 30324 — «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Оддий (контр-пассив)» — акцияни сотиб олиш қийматиغا;

Кт 30603 — «Қўшилган капитал» баланс ҳисобварағининг «Қайта сотиб олинган ўз акциялари бўйича қўшилган капитал» шахсий ҳисобварағи — қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги ижобий фарқ суммасига;

б) сотиб олиш баҳосига нисбатан арзон баҳода сотилганда:

Дт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи — акцияни сотиш қийматиغا;

Дт 30603 — «Қўшилган капитал» — акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ суммасига, кредит қолдиғи доирасида;

Кт 30321 — «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Имтиёзли (контр-пассив)» ёки 30324 — «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Оддий (контр-пассив)» — акцияни сотиб олиш қийматиغا.

30603 — «Қўшилган капитал» ҳисобварағининг «Ўз акцияларини сотиб олишдан олинган қўшилган капитал» алоҳида шахсий ҳисобварағининг қолдиғи нолга тенг бўлса, акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» баланс ҳисобварағига ўтказилади.

в) бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90337 — «Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари».

18. Акциялар бекор қилинганда ёки банкнинг акциядорлик капитали камайтирилганда (устав ҳужжатларига киритиладиган тегишли ўзгартиришлар Марказий банкда рўйхатга олингандан сўнг), қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30315 — «Чиқарилган устав капитали — Имтиёзли» ёки

30318 — «Чиқарилган устав капитали — Оддий» — акциянинг номинал қийматиغا;

Кт 30321 — «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Имтиёзли (контр-пассив)» ёки 30324 — «Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари — Оддий (контр-пассив)» — акцияни сотиб олиш қийматиغا.

Ўз акцияларини сотиб олиш билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги ижобий ёки салбий фарқ 30603 — «Қўшилган капитал» ҳисобварағининг мос равишда дебети ёки кредитига олинади. Ҳисобварақнинг кредит

қолдиғи етарли бўлмаганда, етмаган салбий фарқ 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағига олинади.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90329 — «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари».

## **II. Қарз мажбуриятларини чиқариш ва уларни сўндириш бўйича операциялар ҳисоби**

19. Тижорат банклари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ облигациялар, депозит сертификатлари, векселлар ва бозорда муомалада бўладиган бошқа қарз қимматли қоғозларини чиқариши мумкин. Банк томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозларининг ҳисоби уларнинг номинал қиймати бўйича 23600 — «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар» баланс ҳисобварағининг тегишли ҳисобварақларида юритилади.

20. Ҳужжатсиз ёки ҳужжатли қимматли қоғозларнинг бланкалари Марказий депозитарийда ҳисобга олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90327 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари»;

Кт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ».

Дт 90329 — «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари»;

Кт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ».

21. Қимматли қоғозлар номинал қиймати бўйича жойлаштирилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи;

Кт 23600 — «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар».

Дт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90327 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари».

Дт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90329 — «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари».

22. Қимматли қоғоз номинал қийматидан юқори баҳода сотилганда сотиш баҳоси ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ (мукофот) 23696 — «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия)» ҳисобварағининг кредитига сотиш кунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи — қимматли қоғозни сотиш қийматига;



Кт 23600 — «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар» — қимматли қоғознинг номинал қийматиغا;

Кт 23696 — «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия)» — қимматли қоғозни сотиш қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммасига.

Бир вақтнинг ўзида бланка ёзиб берилганда ёки инвесторнинг депо ҳисобварағига ўтказилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90327 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари».

Дт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90329 — «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари».

23. Қимматли қоғоз номинал қийматидан паст баҳода сотилса, номинал қиймати ва сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ (дисконт) 23698 — «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)» ҳисобварағининг дебетига сотиш санасида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи — қимматли қоғозни сотиш қийматиغا;

Дт 23698 — «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)» — қимматли қоғозни номинал қиймати ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

Кт 23600 — «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар» — қимматли қоғозни номинал қийматиغا.

Дисконтлар баланс ҳисоботида чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий суммасидан чегирма кўринишида акс эттирилади.

24. Мукофотни амортизация қилиш ва фоизли даромадларни тан олиш ҳамда дисконтни амортизация қилиш ва фоизли харажатларни тан олиш реал фоиз ставкаларини қўллаган ҳолда «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги низомга (2004 йил 30 январь, рўйхат рақами 1306 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил январь, 4-сон) мувофиқ амалга оширилади.

25. Агар қимматли қоғозлар фоизларни тўлаш даврлари орасида сотилган бўлса, сотилган ва тўланиши лозим бўлган фоизли мажбуриятлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали сотиш санасида ҳисобга олинади:

Дт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи;

Кт 22414 — «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар».

26. Қимматли қоғозлар сўндириш ёки қайта сотиш шартлари билан сотиб

олинганда, қимматли қоғозлар балансдан чиқарилади. Агар сотиб олиш баланс қийматида бўлса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) илгари номинал қийматда сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 — «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар» — номинал қийматга;

Кт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи — номинал қийматга;

б) илгари дисконт билан сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 — «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар» — номинал қийматга;

Кт 23698 — «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)» — дисконтнинг қолдиқ қиймати доирасида;

Кт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи — қимматли қоғозни сотиб олиш қийматиغا;

в) илгари мукофот билан сотилган қимматли қоғозлар сотиб олинганда:

Дт 23600 — «Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар» — номинал қийматга;

Дт 23696 — «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот (премия)» — мукофотнинг қолдиқ қиймати доирасида;

Кт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи — қимматли қоғозни сотиб олиш қийматиغا;

г) ҳисобланган фоизларни тўлашда:

Дт 22414 — «Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар»;

Кт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи.

27. Агар банк қимматли қоғозни номинал қийматидан паст баҳода сотиб олса, номинал қиймат ва сотиб олиш баҳоси ўртасида ижобий фарқ 45994 — «Бошқа фоизсиз даромадлар» ҳисобварағининг «Чиқарилган қарз мажбуриятлари билан боғлиқ операциялардан олинган даромадлар» алоҳида шахсий ҳисобварағининг кредитида акс этирилади. Агар банк томонидан қимматли қоғоз баланс қийматидан юқори баҳода сотиб олинса, баланс қиймати ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги салбий фарқ 55995 — «Бошқа фоизсиз харажатлар» ҳисобварағининг «Чиқарилган қарз мажбуриятлари билан боғлиқ операциялар бўйича қилинган харажатлар» алоҳида шахсий ҳисобварағининг дебитида акс этирилади.

28. Агар банк қимматли қоғозни бекор қилиш мақсадида сотиб олган бўлса, у ҳолда қимматли қоғозлар 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобга олинади:

Дт 90327 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари»;

Кт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ».

Дт 90329 — «Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари»;

Кт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ».

29. Агар банк қимматли қоғозларни қайта сотиш мақсадида сотиб олган бўлса, у ҳолда қимматли қоғозлар 90337 ҳисобварағида номинал қиймат бўйича, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дт 90337 — «Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари»;

Кт 96314 — «Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ».

### **III. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ бошқа операциялар ҳисоби**

#### **§ 1. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ инкассо операциялари ҳисоби**

30. Мижоздан ёки банк-корреспондентдан маҳаллий (ички) ёки хорижий (ички) векселлар инкассога қабул қилинганда банк томонидан векселнинг номинал қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90965 — «Инкассога қабул қилинган маҳаллий (ички) векселлар» ёки

90972 — «Инкассога қабул қилинган хорижий (ички) векселлар»;

Кт 96323 — «Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар бўйича контр — ҳисобварақ».

31. Векселни тўлаш муддати келганда банк векселни тўловчига тақдим этади. Вексель бўйича тўлов тўлиқ ёки қисман амалга оширилганда ёки тўловсиз қайтарилганда (тўлашдан бош тортиш ёки ҳисобварағида маблағ етишмаслик ҳолларида) қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96323 — «Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90965 — «Инкассога қабул қилинган маҳаллий (ички) векселлар» ёки

90972 — «Инкассога қабул қилинган хорижий (ички) векселлар».

Вексель бўйича қисман тўлов амалга оширилганда векселнинг тўланмаган суммаси 90963 — «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» ҳисобварағига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дт 90963 — «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»;

Кт 96321 — «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ».

32. Вексель бўйича ушбу банкда ўз ҳисобварағига эга бўлмаган тўловчилар ёки вакил — банклардан тўловни олиш учун векселлар инкассога жўнатилганда, уларнинг номинал қийматига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90979 — «Инкассога жўнатилган маҳаллий (ташқи) векселлар» ёки 90986 — «Инкассога жўнатилган хорижий векселлар»;

Кт 96330 — «Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ».

33. Вексель тўловчиси томонидан вексель бўйича тўлов амалга оширилгандан сўнг қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96330 — «Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90979 — «Инкассога жўнатилган маҳаллий (ташқи) векселлар» ёки 90986 — «Инкассога жўнатилган хорижий векселлар».

34. Банклар қимматли қоғозлар билан боғлиқ инкассо операцияларидан даромадлар ва харажатлар кўриши мумкин. Бу ҳолда, даромадлар 45257 — «Мижозларга инкассо операциялари бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар» ҳисобварағида ва харажатлар 55158 — «Инкассо операцияларини амалга ошириш бўйича ва воситачилик харажатлари» ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

## **§ 2. Қимматли қоғозлари билан боғлиқ инвестициявий воситачилик операциялари ҳисоби**

35. Банклар мижозлар билан тузилган воситачилик ёки топшириқ шартномалари асосида қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича операцияларни бажариши мумкин. Қимматли қоғозларни сотиб олиш учун мижозлар томонидан ўтказилган пул маблағлари, ҳамда воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича мижозларнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағларининг ҳисоби 22608 — «Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари» баланс ҳисобварағининг «Қимматли қоғозлар билан брокерлик операциялари бўйича мижозлар маблағлари» алоҳида ҳисобварағида юритилади.

36. Сотиб олиш учун ёки мижоз топшириғига асосан сотиб олинган қимматли қоғозлар 93616 — «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ва 93623 — «Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари» кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида номинал қиймат бўйича ҳисобга олинади:

Дт 93616 — «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки

93623 — «Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари»;

Кт 96379 — «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ».

37. Мижозларнинг топшириғи кўра сотиш учун олинган қимматли қоғозлар сотилмаганда, уларни мижозларга қайтарилганда, шунингдек, мижозларга уларнинг топшириғи бўйича сотиб олинган қимматли қоғозларни топширишда қимматли қоғозларнинг номинал қийматига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96379 — «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 93616 — «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки

93623 — «Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари».

38. Банклар томонидан воситачилик операцияларини бажаришдан олинган даромадлар 45209 — «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган инвестициявий воситачилик операциялари бўйича даромадлар» ҳисобварағининг кредитида ҳисобга олинади.

### **§ 3. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ андеррайтинг операциялари ҳисоби**

39. Банклар андеррайтинг операцияларини, яъни қимматли қоғозларни уларнинг биринчи эгаларига сотиш бўйича (эмиссиянинг дастлабки жойлаштирилиши) операцияларини бажариши ҳамда эмитент топшириғига кўра қимматли қоғозларни сўндириш операцияларини амалга ошириши мумкин.

40. Қимматли қоғозлар эмитентдан жойлаштириш учун олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 93616 — «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки

93623 — «Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари»;

Кт 96379 — «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ».

41. Эмитентнинг қимматли қоғозларини жойлаштиришдан олинган пул маблағларининг ҳисоби 22608 — «Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари» баланс ҳисобварағининг «Қимматли қоғозларнинг чиқарилишига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ эмитентлар маблағлари» алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

42. Қимматли қоғозларни уларнинг биринчи эгаларига жойлаштиришда, шунингдек, жойлаштирилмаган қимматли қоғозларни эмитентга қайта-

ришда қимматли қоғозларнинг номинал қиймати бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96379 — «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 93616 — «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки

93623 — «Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари».

43. Банк қимматли қоғозларни эмитент топшириғига асосан эмитент маблағлари ҳисобига сўндиради. Эмитентдан олинган маблағлар 22608 — «Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари» ҳисобварағининг «Қимматли қоғозларни чиқариш бўйича эмитентларнинг маблағлари» алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади. Эмитентнинг қимматли қоғозлари сўндирилганда, сўндириш суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Дт 22608 — «Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари»;

Кт 10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида сўндирилган қимматли қоғозларнинг бланкалари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали кирим қилинади:

Дт 90303 — «Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари»;

Кт 96305 — «Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ»; ёки

Дт 90317 — «Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари»;

Кт 96315 — «Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ».

44. Эмитент топшириғига кўра сўндирилган қимматли қоғозларнинг бланкаларини эмитентга ўтказишда ёки бекор қилишда 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96305 — «Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90303 — «Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари»; ёки

Дт 96315 — «Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 90317 — «Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари».

45. Андеррайтинг хизматларини амалга оширишдан олинган даромадлар 45294 — «Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар» ҳисобварағининг «Қимматли қоғозларни чиқарилишига хизмат кўрсатиш бўйича банк операцияларидан олинган даромадлар» алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

#### **§ 4. Қимматли қоғозларни сақлаш билан боғлиқ операциялар ҳисоби**

46. Банклар мижозлар билан тузиладиган шартномалар асосида қимматли қоғозларни сақлаши мумкин. Мижозлардан қимматли қоғозлар сақлаш учун қабул қилинганда номинал қиймати бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 93616 — «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари»; ёки

93623 — «Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари»;

Кт 96379 — «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ».

47. Қимматли қоғозлар сақлашдан чиқарилиб мижозга қайтарилганда номинал қиймат бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96379 — «Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ»;

Кт 93616 — «Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари» ёки

93623 — «Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари».

48. Сақлаш операцияларини амалга оширишдан олинган даромадлар 45294 — «Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар» ҳисобварағининг «Банкнинг қимматли қоғозларни сақлаш бўйича бажарган операцияларидан олинган даромадлар» алоҳида шахсий ҳисобварағининг кредитида ҳисобга олинади.

#### **IV. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ муддатли битимлар бўйича операциялар ҳисоби**

49. Ҳисобга олиш мақсадида, қимматли қоғозлар билан муддатли битимлар деганда битимни тузиш санасидан фарқ қилувчи ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг аниқ санаси кўрсатилган ҳолда шартномалар билан расмийлаштирилган қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари (РЕПО битимлари, қимматли қоғозларга доир фьючерслар ва ҳ. к.) тушунилади. Бунда, муддатли битим тузишда ҳисоб-китобни амалга ошириш санаси би-

тимни тузиш санаси билан мос келмайди. Муддатли битимлар Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ битим тузиш санасидан бошлаб, ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддатига қадар кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади. Ҳисоб-китоблар бошланган куни бир вақтнинг ўзида белгиланган тартибда баланс ҳисобварақларида акс эттириш билан бирга битимларни кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олиш тўхтатилади.

50. РЕПО (қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишув) битими деганда маълум муддатдан сўнг олдиндан келишилган баҳода сотиб олиш мажбурияти билан қимматли қоғозларни сотиш бўйича тузилган битим тушунилади. РЕПО битимлари қуйидаги тамойилларнинг бири бажарилган ҳолда молиялаштириш операциялари сифатида ҳисобга олинади:

1) аввал сотилган қимматли қоғозларнинг ўзи қайта сотиб олинса;

2) агар қайта сотиб олинаётган қимматли қоғозлар барча жиҳатларига кўра сотилган қимматли қоғозларга ўхшаса.

Қимматли қоғозлар қуйидаги шартлар бажарилса «барча жиҳатларига кўра ўхшаш» деб қаралади:

а) қимматли қоғозлар ўз зиммасига мажбуриятлар олган бир шахсга эга бўлиши лозим;

б) қимматли қоғоз эгалари бир хил таваккалчилик ва ҳуқуқлар билан таъминланишлари учун ушбу қоғозлар шакл ва кўриниши жиҳатидан бир хил бўлиши керак;

в) қимматли қоғозлар бир хил фоиз ставкасига эга бўлиши керак;

г) қимматли қоғозлар бир хил тўлаш муддатига эга бўлиши керак;

д) қимматли қоғозлар бир хил номинал қийматга эга бўлиши керак.

Акс ҳолда РЕПО битимлари қимматли қоғозлар олди-сотдиси операциялари сифатида ҳисобга олинади.

51. РЕПО битимлари ҳисоби молиялаштириш операциялари ҳисобининг бир қисми ҳисобланади.

РЕПО битимларининг юридик шакли олди-сотди битими бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларнинг иктисодий моҳияти сотиб олинган (сотилган) қимматли қоғозлар билан таъминланган молиялаштиришдир.

РЕПО битимлари қимматли қоғозлар гарови асосида кредитлаш операцияларидан (ломбард кредити) шу билан фарқ қиладики, қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозларга эгалик қилиш ҳуқуқи қарздор (қимматли қоғозлар сотувчиси)дан кредитор (қимматли қоғозларни сотиб олувчи)га ўтади. Ушбу операцияларда қимматли қоғозлар сотувчиси қарздор, сотиб олувчи эса пул маблағлари кредитори ролини бажаради. РЕПО келишувида кўрсатилган муддат тугагач, қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисми бажарилган тақдирда қимматли қоғозларга эгалик қилиш ҳуқуқи қайта кредитордан қарздорга ўтади.

52. РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар 22300 —



«РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар» баланс ҳисобварагининг тегишли ҳисобварағида ҳисобга олинади. Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозларни сотувчи банк томонидан битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиш суммасида қўйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи;

Кт 22300 — «РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар».

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича:

Дт 92802 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар»;

Кт 96374 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи».

92802 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар» ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларнинг сотилиш санасидан бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш муддатигача ҳисобга олинади.

53. Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ ўз моҳиятига кўра олинган пул маблағлари учун тўлов ҳисобланади. Кўрсатилган фарқ амортизация қилинади ва сотувчи банк томонидан ҳар ойда қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг амал қилиш муддати давомида фоизли харажатлар ҳисобварағига олиб борилади:

Дт 54300 — «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар»;

Кт 22300 — «РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар».

54. Агар РЕПО келишувнинг биринчи қисми бўйича РЕПО суммаси фоиз (купон) даромадлари миқдорида камайиши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда РЕПО суммаси дастлабки сотиб олувчи томонидан олинган фоиз (купон) даромадлари миқдорида камаяди ва қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 22300 — «РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар»;

Кт РЕПО битимининг объекти бўлган қимматли қоғозлар бўйича олиниши лозим бўлган фоизларнинг тегишли ҳисобварағи.

55. Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан келишувнинг иккинчи қисми бўйича қайта сотиб олинган қимматли қоғозлар суммасига қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 22300 — «РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар»;

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида, келишувнинг иккинчи қисми бўйича қайта сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи»,

Кт 92802 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар».

56. Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишув ҳар бир томон ўз мажбуриятларини бажармаса, одатда жарима чоралари кўзда тутилади. Келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ҳамда қимматли қоғозлар сотиб олувчи портфелига ўтказилган тақдирда сотувчи банк қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт 22300 — «РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар» — битимнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозни қайта сотиб олиш суммасига;

Кт 10700 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари»,

10800 — «Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар»,

15900 — «Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар»,

11300 — «Сотиб олинган векселлар» — қимматли қоғозни баланс қийматига.

Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш баҳоси ва унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ тегишли фойда ёки зарар ҳисобварағида акс эттирилади.

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи»;

Кт 92802 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар».

57. Қайта сотиб олиш шarti билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда, қимматли қоғозларни сотиб олувчи банк келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларнинг сотиб олиш суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини бажаради:

Дт 11800 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар»;

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк сотиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт 92806 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар»;

Кт 96376 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи».

92806 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар» ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ қимматли қоғозларни сотиб олиш санасидан бошлаб банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ қимматли қоғозларни сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

58. Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозлар сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ ўз моҳиятига кўра берилган пул маблағлари учун тўлов ҳисобланади. Кўрсатилган фарқ амортизация қилинади ва олувчи банк томонидан ҳар ойда қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг амал қилиш муддати давомида фоизли даромадлар ҳисобварағида ҳисобга олинади:

Дт 11800 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар»;

Кт 45000 — «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар».

Банклар РЕПО битими бўйича контрагентнинг молиявий аҳволи ёмонлашган ҳолда, қимматли қоғозларни қайта сотиб олиши банкда шубҳа уйғотса, фоизларни ўстирмаслик тамойилларидан фойдаланишлари лозим.

Бунда фоизли даромад банк балансидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан ҳисобдан чиқарилиши керак:

Дт 45000 — «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар»;

Кт 11800 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар».

Ҳисобдан чиқарилгандан сўнг келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ амортизацияси кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

Дт 95411 — «Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар»;

Кт 96333 — «Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи».

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида юритиладиган ҳисоб РЕПО келишувининг иккинчи қисми бажарилганидан сўнг тўхтатилади:

Дт 96333 — «Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи»;

Кт 95411 — «Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар».

59. Баланс ҳисоботи санасида келишувнинг биринчи қисми бўйича сотиб олинган қимматли қоғозларнинг бозор қиймати баланс қиймати (яъни 11800 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган сумма) билан тенглаштирилади. Бозор қиймати баланс қийматидан тушиб кетса, банк харажатлари ҳисобидан эҳтимолий йўқотишлар захираси ташкил этилади. Бунда баланс қиймати ва бозор қиймати ўртасидаги фарқ 56824 — «РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварағининг дебетида ҳисобга олинади:

Дт 56824 — «РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»;

Кт 11899 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)».

Бозор қиймати баланс қийматидан ошиб кетса захира нолга тенглаштирилади:

Дт 11899 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)»;

Кт 56824 — «РЕПО битимлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш».

РЕПО битимига доир эҳтимолий йўқотишлар захираси ҳар бир РЕПО келишуви бўйича алоҳида белгиланади. Агар аввал ташкил этилган эҳтимолий йўқотишлар захираси миқдори янги ҳисобланган эҳтимолий йўқотишлар захирасидан ошиб кетса, захира ошиб кетиш суммасига камайтирилади. Агар аввал ташкил этилган эҳтимолий йўқотишлар захираси миқдори янги ҳисобланган эҳтимолий йўқотишлар захирасидан кам бўлса, захира ҳисобланган ҳажмгача қўшимча равишда кўпайтирилади.

60. Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк куйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи;

Кт 11800 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» — битимнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозни қайта сотиб олиш суммасига.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан сотилган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи»;

Кт 92806 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар».

61. Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувда ҳар бир томон ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда одатда жарима чоралари кўзда тутилади.

Агар банк фоизларни ўстирмаслик тамойилларига амал қилган бўлса, келишувнинг иккинчи қисмини бажариш санасида 11800 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг баланс қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш суммасига тенг бўлиши лозим.

Бунда келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ва қимматли қоғозлар сотиб олувчи банк портфелига ўтказилган тақдирда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) қимматли қоғозлар бозор қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш суммасидан ошиб кетса:

а) эҳтимолий йўқотишлар захираси миқдорини тўғрилашга доир бухгалтерия ўтказмаси (зарур бўлса) ушбу Йўриқноманинг 61-бандига мувофиқ амалга оширилади;

б) қимматли қоғозларни банк портфелига ўтказиш бўйича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10700 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари» ёки 10800 — «Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар» ёки 11300 — «Сотиб олинган векселлар» ёки 15900 - «Сўндириш муддатигача сақланган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар»;

Кт 11800 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» — битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозни сотиб олиш суммасига.

2) қимматли қоғознинг бозор қиймати келишувнинг биринчи қисми бўйича сотиб олинган қийматидан кам бўлганда:

а) захира миқдорини ўзгартириш бўйича бухгалтерия ўтказмаси (лозим бўлганда) ушбу Йўриқноманинг 61-бандида кўрсатилган бухгалтерия ўтказмасига мувофиқ амалга оширилади;

б) қимматли қоғозларни банк портфелига ўтказиш бўйича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10700 — «Олди-сотди қимматли қоғозлари» ёки 10800 — «Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар» ёки 11300 — «Сотиб олинган векселлар» ёки 15900 — «Сўндириш муддатигача сақлана-

диган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар» — қимматли қоғозни бозор қийматиغا;

Дт 11899 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси» — шакллантирилган захира суммасига;

Кт 11800 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» — битимнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозни сотиб олиш суммасига.

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи»;

Кт 92806 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар».

62. Банк фоизларни ўстирмаслик тамойилларини қўлламаган бўлса, келишувнинг иккинчи қисмини бажариш санасида 11800 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг баланс қиймати келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозлар қайта сотуви суммасига тенг бўлиши лозим.

Келишувнинг иккинчи қисми бажарилмаган ҳолда банк фоизли даромадларни балансдан чиқариши, яъни фоизларни ўстирмаслик тамойилларини қўллаши шарт:

Дт 45000 — «Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар»;

Кт 11800 — «РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар».

Қимматли қоғозларни сотиб олувчи банк портфелига ўтказиш учун ушбу Йўриқноманинг 63-бандида кўрсатилган бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

63. РЕПО битимларини қимматли қоғозлар олди-сотди операциялари сифатида ҳисобга олиши мумкин:

а) қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозлар сотувчиси бўлган банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади. Бунда сотилган қимматли қоғозлар банк балансидан чиқарилади.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотилган ва қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк сотиб олиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматиға кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 92802 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар»;

Кт 96374 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи».

92802 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар» ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш санасидан бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

б) Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96374 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварақ»;

Кт 92802 — «Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар».

64. Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозлар сотиб олувчиси бўлган банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади.

Бир вақтнинг ўзида банк томонидан сотиб олинган ва қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк сотиши лозим бўлган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 92806 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар»;

Кт 96376 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи».

92806 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар» ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш санасидан бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиш муддатигача ҳисобга олинади.

65. Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк қимматли қоғозларни сотиш бўйича тегишли бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади. Бунда сотилган қимматли қоғозлар банк балансидан чиқарилади.

Бир вақтнинг ўзида қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар

олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда, банк томонидан сотилган қимматли қоғозлар қийматига кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағи бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96376 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи»;

Кт 92806 — «Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**28** **Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига бир марталик пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1886*

*(2009 йил 29 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 ноябрдаги ПФ-4056-сонли «Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларини мукофотлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Маданият ва спорт ишлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига бир марталик пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика пул-кредит сиёсати комиссияси томонидан 1999 йил 11 декабрда 120-сон ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 8 сентябрда 74-сон билан тасдиқланган «Жаҳон биринчиликларида юқори натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига пул мукофотларини тўлаш тартиби» (2000 йил 6 январь, рўйхат рақами 868 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 1-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.



3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан сўнг кучга киради.

**Молия вазири****Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 31 декабрь,  
122-сон

**Маданият ва спорт  
ишлари вазири****Р. ҚУРБОНОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 31 декабрь,  
12-сон

Молия вазирлиги, Маданият ва спорт  
ишлари вазирлигининг 2008 йил  
31 декабрдаги 122, 12-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришганлиги  
учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига бир марталик  
пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 ноябрдаги ПФ-4056-сонли «Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришгани учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларини мукофотлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Олимпия ўйинлари дастурларига кирувчи спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларини бир марталик пул мукофотлари билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Бир марталик пул мукофотлари Олимпия ўйинлари дастурларига кирувчи спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари ғолиблари ва совриндорлари бўлган Ўзбекистон Республикаси спортчиларига тўланади.

2. Жаҳон чемпионатларида олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган Ўзбекистон Республикаси спортчилари жаҳон чемпионатлари ғолиблари ва совриндорлари ҳисобланади.

## II. Асосий қоидалар

3. Жаҳон чемпионатлари ғолиблари ва совриндорлари бўлган Ўзбекистон Республикаси спортчилари қўйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади:

олтин медаль — 12 000 АҚШ доллари;  
кумуш медаль — 6 000 АҚШ доллари;  
бронза медаль — 3 000 АҚШ доллари.

4. Жаҳон чемпионатларида олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларни бир марталик пул мукофоти билан тақдирлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг тегишли йил учун оммавий-спорт тадбирлари тақвим режасида ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаган спортчилар олган бир марталик тўланадиган пул мукофотлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайди, шунингдек ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари бўйича солиққа солиш объекти ҳисобланмайди.

6. Кўрсатилган харажатларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан кейинги молиявий йил учун Давлат бюджети харажатларини шакллантириш жараёнида кўзда тутилади.

7. Бюджет маблағларини ажратиш, уларни эркин муомаладаги валютага айирбошлаш ва бир марталик тўланадиган пул мукофотларини тўлаш, спортчиларни жаҳон биринчиликларига юборувчи Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва бошқа ваколатли ташкилотлар тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан амалга оширилади.

8. Ваколатли ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишининг нусхаси тақдим этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида эркин муомаладаги валютани харид қилиш учун миллий валютадаги маблағларни ваколатли банкка ўтказиб беради.

9. Ваколатли банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ғолиб спортчига АҚШ долларида талаб қилиб олгунча омонат (депозит) ҳисобварағини очиб беради.

10. Ваколатли банк ўрнатилган тартибда белгиланган маблағни ваколатли ташкилотлар тақдим этган тегишли ҳужжатларга асосан АҚШ долларида жаҳон чемпионатларида олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг талаб қилиб олгунча омонат (депозит) ҳисобварағига ўтказиб беради ва омонат дафтарчасини расмийлаштириб беради.

**III. Якуний қоидалар**

11. Ушбу Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

12. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

*Марказий банк раиси*

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 30 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**29** **Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун  
мехнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш  
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1887*

*(2009 йил 29 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июл-даги 267-сонли қарори билан тасдиқланган «Мехнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун мехнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Мехнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

**А. ХАИТОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 17 декабрь,  
76-сон*

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазирлигининг  
2008 йил 17 декабрдаги 76-сонли  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

### **Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) ва «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 120-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда) қонунларига мувофиқ дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришга доир барча ишларда фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги фармацевтика ишлаб чиқариши корхоналарига (бундан кейинги ўринларда корхоналар деб юритилади) тааллуқлидир.

2. Мазкур Қоидалар Қурилиш меъёрлари ва қоидалари, Санитария қоидалари ва меъёрлари, Давлат стандартларининг тегишли нормаларини, шунингдек аниқ ишлаб чиқаришда белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа тармоқ норматив ҳужжатлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

3. Мазкур Қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш корхонанинг хавфсизлик техникаси бўйича хизмати (муҳандиси) зиммасига юклатилади.

4. «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги Намунавий низом»га (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 273) мувофиқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.

Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларнинг ўз вақтида ва тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши.

5. Фармацевтика ишлаб чиқаришида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилиши юзасидан давлат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунга махсус ваколатланган давлат органлари томонидан, жамоат назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба ташкилотлари номидан улар томонидан сайланадиган меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

## II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

### 1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

6. Корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисидаги Намунавий низом»га мувофиқ амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ишловчилар сони 50 ва ундан ортиқни ташкил қилувчи корхоналарда махсус тайёргарликдан ўтган шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил қилинади. Ишловчилар сони 50 дан кам бўлган корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш функцияларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати вазифаларига корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича барча ишларни мувофиқлаштириш ва ушбу ишлар ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш киради.

8. Корхоналарда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлимни ўз ичига олган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ишчи ва хизматчилар билан ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра корхонанинг

асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳандисига бўйсунди ҳамда корхонанинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

10. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

11. Корхоналарда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш тўғрисидаги низом»га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

12. Корхоналарда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937 — Меъерий хужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) асосида амалга оширилиши лозим.

## **2-§. Ходимларга йўриқнома бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш**

13. Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари лозим.

14. Бевосита ишлаб чиқаришда ишларни ташкиллаштириш ва бажариш билан боғлиқ ишчилар, раҳбарлар, муҳандис-техник ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги Намунавий низом»га (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

## **3-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг рўйхати**

15. Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳар бир корхонада ишлаб чиқаришнинг аниқ шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг ҳамда ушбу омиллар таъсирини камайтириш ёки уларни тўлиқ бартараф этиш тадбирларининг рўйхати тузилади.

16. Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳар бир корхона ГОСТ 17.2.3.02-78 бўйича хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш ҳамда технолог жараёнлар, ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг таснифи, юзага келиш манбалари, ишчиларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун

хавфлилик даражаси ҳамда келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ ва холисона маълумотга эга бўлиши лозим.

17. Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ходимларига ОСТ 64-031-87 ССБТ «Тайёр дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари. Таблетка туридаги дори-дармон шаклларини ишлаб чиқариш. Хавфсизлик талаблари»га, ОСТ 64-7-472-83 ССБТ «Тайёр дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари. Ампуладаги инъекцион эритмаларни ишлаб чиқариш. Хавфсизлик талаблари»га мувофиқ, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг қуйидаги гуруҳлари таъсир этиши мумкин:

- а) жисмоний хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари гуруҳи:
  - харакатланувчи машиналар ва механизмлар;
  - юрувчи буюмлар ва материаллар;
  - иш зонасининг ҳавосидаги микдори юқори бўлган чанг ва газ;
  - ускуналар ва материалларнинг ҳарорати юқори бўлган юзаси;
  - иш зонасининг ҳарорати юқори бўлган ҳавоси;
  - иш жойидаги даражаси юқори бўлган шовқин;
  - юқори даражали тебранма;
  - намлик даражаси юқори бўлган ҳаво;
  - одам бадани орқали уланиши содир бўлиши мумкин бўлган электр занжиридаги даражаси хавфли бўлган кучланиш;
  - ёруғлик липиллаши (пульсацияси);
  - юқори даражали статик электр;
  - табiiй ёруғлик мавжуд эмаслиги;
  - юқори даражали ультрабинафша радиацияси;
  - юқори атмосфера босими.
- б) кимёвий хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари гуруҳи:
  - нафас олиш йўллари ва тери қопламаси орқали таъсир этувчи зарарли суюқ, қаттиқ, буғсимон моддалар ва аэрозоллар;
  - нафас олиш йўллари, тери қопламаси ва кўзга таъсир этувчи ўювчи суюқ, қаттиқ ва буғсимон моддалар.
- в) психофизиологик зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари гуруҳи:
  - сезги органларининг ҳаддан ташқари кучланиши;
  - меҳнат монотонлиги.

18. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёки янги ишлаб чиқариш ускуналарини жорий қилишда рўйхатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

#### **4-§. Меҳнат хавфсизлиги бўйича ўта хавфли касблар ва ишлар**

19. Ҳар бир корхона ўта хавфли шароитда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатда аниқ технологик жараён, ишлаб чиқариш

ускунаси, ишлатиладиган хом ашё ва ишларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ хавфлар ҳисобга олиниши лозим.

20. Технология, қўлланилаётган ускуналарнинг ўзгартирилиши, янги ишлаб чиқаришлар ташкил этилиши муносабати билан хавфли ишларнинг янги турлари вужудга келган тақдирда кузатув ҳамда назорат органларининг талабига кўра рўйхат қайта кўриб чиқилиши лозим.

### **5-§. Ходимларнинг жамоа ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари**

21. Фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги барча корхоналарда асосий ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хизматлар ходимларига зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини камайтириш ёки уларни бартараф этиш учун ГОСТ 12.4.011-89 ва ОСТ 64-7-473-83 ССБТ «Тайёр доридармон воситаларини ишлаб чиқаришда якка тартибдаги ҳимоя воситалари. Таснифи. Қўлланиш соҳаси»га мувофиқ, жамоа ва якка тартибдаги ҳимоя воситалари қўлланилиши лозим.

22. Жамоа ҳимоя қилиш воситалари жумласига қуйидагилар киради:

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво муҳитини нормаллаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёردа сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовкин, тебранма, электр токи уриши, статик электр, ускуналар юзасининг юқори даражадаги ҳароратидан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

23. Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари «Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари»га (2008 йил 24 сентябрь, рўйхат рақами 1861 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 39-сон, 402-модда) мувофиқ, якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланиши лозим.

24. Якка ҳимоя воситалари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

махсус кийим-кечак;

махсус пойабзал;

махсус бош кийими;

нафас аъзоларининг ҳимоя воситалари;

қўлни ҳимоялаш воситалари;

бош учун ҳимоя воситалари;

юзни ҳимоялаш воситалари;

эшитиш аъзоларини ҳимоя қилиш воситалари;

кўзни ҳимоя қилиш воситалари.



25. Тайёр дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришда якка тартибдаги химоя воситалари зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг манбаси бўлмаслиги ҳамда махсулот ифлосланишини юзага келтирмаслиги лозим.

26. Корхона маъмурияти ходимларни белгиланган меъёрларга мувофиқ, керакли якка тартибдаги химоя воситалари билан таъминлаши, улардан фойдаланиш муддатларига ҳамда сақлаш, ювиш, тозалаш ва таъмирлаш бўйича зарурий шартларига риоя қилинишини таъминлаган ҳолда якка тартибдаги химоя воситаларини бериш ҳисобини юритиши шарт.

### **6-§. Касбий танлов**

27. Корхоналарда касбига кўра саралаш ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим. Фармацевтика корхонасининг мутахассислари, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига, дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришни унга кўйилган талабларга жавоб берадиган даражада ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Раҳбарлар ва мутахассисларнинг вазифалари ишда ноаниқликлар юзага келишини ёки бир нечта кишига битта вазифа юкланишини олдини олиш мақсадида лавозим йўриқномаларида қайд қилинади.

28. Босим остида ишловчи ва хавфи юқори бўлган бошқа ишларда хизмат кўрсатувчи ходимлар махсус курсларда тайёргарликдан ўтган ва ишга қўйиш учун асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланадиган гувоҳномага эга бўлиши шарт.

### **7-§. Ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишга кўйиш юзасидан талаблар**

29. Корхона ходимлари ишни бажаришнинг касбий усулларига, ишларни хавфсиз юритишга ўқитилиб, олинган билимлари «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги Намунавий низом»га мувофиқ ҳужжатли расмийлаштирилган ҳолда синовдан ўтказилгандан сўнг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга рухсат этилиши мумкин.

30. Ўта хавфли ишларга тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ман этилади.

31. «18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (2001 йил 9 июнь, рўйхат рақами 1040 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 11-сон) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

32. «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш қисман ёки тўлиқ тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (2000 йил 5 январь, рўйхат рақами 865 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 1-сон) муво-

фиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

### **8-§. Ходимларнинг соғлиғини назорат қилиш**

33. Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўрикка келишини таъминлаши лозим.

34. «Ўзбекистон Республикасида ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруққа мувофиқ, ходимлар, шу жумладан муҳандис техник ходимлар (бундан кейинги ўринларда МТХ деб юритилади) ишга киришда дастлабки ва кейинчалик йилда бир марта даврий тиббий кўрикларидан ўтиши шарт. Ходимлар тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

35. Тиббий кўриklar корхонанинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим. Тиббий кўриklar даволаш-соғломлаштириш тадбирлари белгиланган текшириш далолатномаси билан яқунланиши лозим.

Корхона маъмурияти (ёки иш берувчи) ва касаба уюшмаси қўмитаси тиббий кўрик далолатномаси билан танишиб чиқиши, иш берувчи эса далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

36. Даврий тиббий кўриklar ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик корхонанинг маъмурияти зиммасига юкланади.

37. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

38. Ходим тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товланган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда маъмурият ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

### **9-§. Санитария ва гигиена**

39. Фармацевтика корхоналарининг ишлаб чиқариш хоналари қуйидаги санитария режими қоидаларига мувофиқ сақланиши лозим:

иш зонасида ҳаводаги зарарли моддаларнинг миқдори ГОСТ 12.1.005-2000 ССБТ «Иш зонасидаги ҳаво. Умумий санитария-гигиена талаблари»га биноан рухсат этилган энг кўп тўйинганлик даражасидан ошмаслиги;

ишлаб чиқариш хоналарида рухсат этилган ҳарорат, нисбий намлик ва ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги иш жойларидаги ортиқча иссиқлик, бажарилаётган ишнинг оғирлик даражасига кўра тоифаси, йил мавсуми ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши;

ишлаб чиқариш хоналарида шовқин ва тебранма даражаси ГОСТ 12.1.003-89 ССБТ «Шовқин. Умумий хавфсизлик талаблари», ГОСТ 12.1.012-90 ССБТ «Тебранма. Умумий хавфсизлик талаблари» талабларида белгиланган миқдордан ошмаслиги;

ишлаб чиқариш, санитария-маиший хоналарнинг, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарининг электр ёруғи ҚМҚ 3.01.05-98 «Табий ва сунъий ёруғлик. Лойихалаштириш меъёрлари»га жавоб бериши ҳамда нормал меҳнат шарт-шароитларини яратиш учун етарли ёруғлик кучини таъминлаши лозим. Шунингдек, тоза хоналарда ёритиш асбоблари чанг тўпланишига имконият бермайдиган конструкцияга эга ва синган тақдирда унинг парчалари сочилиб кетмаслиги учун ёпиқ бўлиши;

электр токининг одамга таъсир этишини олдини олиш бўйича хавфсизлик талаблари ГОСТ 12.1.019-86 ССБТ «Электрхавфсизлик. Умумий талаблар»га жавоб бериши;

статик электрдан химоя қилиш тадбирлари ГОСТ 12.1.18-93 ССБТ «Статик электр. Учқун хавфсизлиги. Умумий талаблар»га мувофиқ амалга оширилиши;

ишлаб чиқариш, санитария-маиший хоналарни, хом ашё ва тайёр маҳсулотни сақлаш хоналарини гигиеник жиҳатдан тутиш ва ходимларнинг шахсий гигиенасига қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлиши.

#### **10-§. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарига қўйиладиган талаблар**

40. Фармацевтика ишлаб чиқариши корхонаси маҳсулотининг сифатига салбий таъсир этувчи ишлаб чиқаришлардан етарлича узоқ бўлган масофада жойлашган бўлиши лозим.

41. Фармацевтика саноати корхоналарининг биноларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари ҚМҚ 3.01.02-00 «Қурилишда хавфсизлик техникаси» қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

42. Ишлаб чиқариш биноларини чангиш, ифлосланиш даражаси имкон қадар камайтирилган ҳамда уларга ҳашарот ва ҳайвонлар тушиши истисно этилган ҳолда лойихалаштириш ва қуриш лозим.

43. Корхонанинг барча ҳудуди тоза сақланиши лозим. Атмосфера ёнғинларини чиқариб юбориш учун мўлжалланган оқова сув тарновлари тасдиқланган жадвалга мувофиқ мунтазам равишда тозаланиши ва таъмирланиши лозим. Йўллар, ўтиш йўллари ва бинолар, қурилмалар ҳамда иншоотлар орасидаги ҳудудлардан материалларни сақлаш учун фойдаланиш, уларга ускуналар ёки ишлаб чиқариш чиқиндиларини тахлаб қўйиш ман этилади.

44. Корхона ҳудудида чекишга фақат махсус ажратилган, «Саноат корхоналарида ёнғин хавфсизлиги бўйича намунавий қоидалар» ШМҚ 2.01.02-04 га мувофиқ жиҳозланган жойларда рухсат этилади.

45. Ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш хоналари ва омборхоналар авто-

матик ёнғинни ўчириш воситалари ва автоматик ёнғиндан хабар берувчи сигнализацияси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

46. Корхона маъмурияти бинолар ва иншоотларни сақлаш, уларни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш устидан назоратни амалга ошириши шарт.

47. Ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво оқимини бошқарувчи ускуналар ва ҳарорат, намлик, тозаланиш самарадорлиги ва филтрларда босим ўзгаришини ўлчаш мосламалари билан жиҳозланган самарали ҳаво оқимини олиш ва ҳаво тортиш вентиляция тизими мавжуд бўлиши лозим.

Ҳаво тортиш вентиляцияси тизимларининг унумдорлиги «тоза» хоналарда ҳаво етказилишини (подпорини) таъминлаш учун ҳаво оқимини олиш вентиляцияси тизимлари унумдорлигининг 80-90% ташкил этиши лозим.

48. Антибиотикларнинг ҳаво таъминлаш тизимлари бошқа тиббий мақсадларда дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш ҳаво тизимларидан тўлиқ изоляцияланган бўлиши лозим.

49. Стерил дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш эҳтиёжига қараб бутун хонада ёки айниқса муҳим участкаларни ёки операцияларни химоя қилиш учун айрим локал зоналарда махсус ускуналар ёрдамида горизонтал ёки вертикал ламинар оқимлари яратилиши мумкин.

50. Ишлаб чиқариш хоналари зарурат бўлганда ҳаво оқими бир маромда сақлаш тизими билан жиҳозланиши мумкин ва ушбу тизим ҳаво механик заррачалар ва микроорганизмлардан тегишли даражада тозаланишини таъминлаши, технологик жараён ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун оқилона шарт-шароитларни яратиш учун иқлимий параметрларни (ҳаво ҳарорати, намлиги) автоматик равишда мувофиқлаштириши лозим.

51. Ишлаб чиқариш хоналарида ишлаб чиқариш оқовасини хўжалик-нажас оқоваси билан бирлаштириш тақиқланади.

Заруратга қараб сув таъминоти тизимининг қувурларига филтрлар ўрнатилади.

52. Қувурлар уларни буғ ёрдамида стериллаштириш имконини берувчи материаллардан ишлаб чиқарилган, суюқлик тўлиқ оқиб тушиши учун қия ўрнатилган бўлиши ва унда суюқлик туриб қоладиган қисмлар мавжуд бўлмаслиги лозим.

### **11-§. Маиший ва қўшимча хоналарга, уларнинг сони, ҳолати ва жойлашувига қўйиладиган талаблар**

53. Ҳар бир фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариши корхонасида ҚМҚ 2.09.12-98 «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший хоналари» талаблари, озиқ-овқат саноати корхоналари, бино ва иншоотларини лойиҳалаш қоидалари ва мазкур Қоидаларга мувофиқ санитария-маиший ва қўшимча хоналар қурилиши лозим.

Маиший ва қўшимча биноларни лойиҳалаш ҳамда қуриш уларни ишлаб чиқариш объектлари билан бир пайтда ишга тушириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

54. Махсус маиший хоналар ва қурилмалар таркиби ишлаб чиқариш жараёни гуруҳларига боғлиқ равишда белгиланади.

55. Маиший хоналар имкон қадар иш жойларига яқин жойлаштирилиши зарур.

56. Стерил ва ностерил ишлаб чиқариши ходимлари учун умумий санитария-маиший хоналарини ташкил этиш тақиқланади.

57. Махсус кийим-кечак ва баданнинг катта даражада ифлосланишини юзага келтирадиган муҳитдаги участкаларда ишловчи ходимлар учун махсус маиший хоналар жиҳозланиши лозим.

58. Ходимларни асептик хоналарга киритиш махсус маиший хоналар (душхоналар, кийим алмаштириш хоналари ва шу кабилар) — санпропускниклар орқали амалга оширилади.

59. Уй ва иш кийимлари сақланадиган гардероблар, ҳожатхоналар, ювиниш ва чўмилиш хоналари эркаклар ва аёллар учун алоҳида бўлиши лозим.

60. Кийим алмаштириш хоналари, душхоналарнинг ўлчамлари, душ сеткалари, оёқ ванналари, бет-қўл ювгичлари, истеъмол сув таъминоти қурилмалари, ҳожатхоналар ва шу каби қурилмаларнинг сони айниқса, кўпчиликни ташкил этадиган сменада ишловчиларнинг сони ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши лозим.

61. Душхоналар ва ҳожатхоналардаги тарновлар, каналлар, траплар, писсуарлар ва унитазлар мунтазам равишда тозаланиши, ювилиши ва дезинфекция қилиниши лозим. Ҳожатхоналарнинг поллари қуруқ ҳолда сақланиши лозим.

62. Ишлаб чиқариш хусусиятига қараб, ҳисоблаб аниқланган бет-қўл ювгичлар сонининг 40 фоизга бўлган қисми ишлаб чиқариш хоналарининг иш жойлари ёнида (ҳожатхонадаги тамбурда) жойлаштирилиши мумкин.

63. Ҳар бир ювиниш жиҳози иссиқ ва совуқ сув келадиган қувурларга уланган бўлиши лозим.

Ювиниш хоналарида электр сочиқлар, кўзгу, кийим илгичлар, суюқ совун учун идишлар ва қаттиқ совун солгичлар, шунингдек, энг кўп сонли сменада 40 кишига битта қурилма ҳисобидан келиб чиққан ҳолда қўлни хлорли эритмада ювиш мосламаси кўзда тутилиши лозим.

64. Махсус кийимни ювиш учун корхоналарда кир ювиш хоналари назарда тутилган бўлиши лозим. Кир ювиш хоналарининг таркиби ва майдони аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини лойиҳалаштириш бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидаларига биноан белгиланиши лозим.

65. Гардеробхоналар кўча, уй ва иш кийимларини сақлаш учун мўлжалланган бўлиши лозим.

66. Иш кийимлари учун мўлжалланган гардероблар кўча ва уй кийимлари гардеробларидан алоҳида жойлаштирилиши лозим. Маиший хоналар ҚМҚ 2.09.12-98 «Корхонанинг маиший ва маъмурий бинолари» талабларига мувофиқ оқиб келувчи ва сўрувчи вентиляция билан жиҳозланиши лозим.

67. Овқатланиш пунктлари умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган санитария қоидалари талабларига жавоб бериши лозим.

### **12-§. Атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича талаблар**

68. Оқова сувларини ҳосил қилиш ва сув хавзаларига тушириш шартлари ҚМҚ 2.04-01-98 «Оқова. Лойиҳалаштириш меъёрлари» ва ҚМҚ 2.04-03-97 «Оқова. Ташқи тизимлар ва иншоотлар» талабларига мувофиқ бўлиши ва ҳар бир алоҳида олинган ҳолда Давлат санитария назорати органлари билан мувофиқлаштирилиши лозим.

69. Бутун ташқи оқова тизими ёпиқ бўлиши лозим. Ёфингарчилик (ёмғир) сувлари ва ювиш учун хизмат қиладиган сувларни четга олиш учун мўлжалланган очиқ майдончаларда новлар (лотоклар) ўрнатилиши мумкин.

Цехлар ичидаги ифлосланган ишлаб чиқариш оқова сувлари учун оқова ёпиқ бўлиши лозим.

70. Пол ювиш ҳамда аппаратларни ва қувурларни тоза сув билан ювиб чиқиш натижасида ҳосил бўлган сувни қабул қилиш учун очиқ новлар (лотоклар) қурилиши мумкин.

71. Суюқ ҳолдаги ишлаб чиқариш чиқиндиларининг оқиб тушиш тизимлари суюқлик орқа томонга оқиб тушушини бартараф этиш учун мослаштирилган бўлиши лозим. Ушбу чиқиндилар ўтадиган жойлар тегишли вентиляция билан жиҳозланиши лозим.

72. Ўзига хос ифлосланишлардан тозалаб бўлмайдиган оқова сувлари йўқ қилинади ёки махсус ажратилган жойларга туширилади.

73. Корхона ишлаб чиқариш ва маиший оқова сувларининг тозаланиш самарадорлиги юзасидан мунтазам лаборатория назоратини таъминлаши шарт.

### **13-§. Меҳнат ва дам олиш юзасидан талаблар**

74. Фармацевтика ишлаб чиқариши корхоналарида ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддати»нинг талаблари инобатга олинган ҳолда, корхоналарнинг ички меҳнат қоидалари асосида белгиланади.

## **III. Ишлаб чиқариш (технологик) жараёнларига қўйиладиган талаблар**

### **1-§. Технологик ҳужжатларда ҳисобга олиниши лозим бўлган хавфсизлик талаблари**

75. Корхоналарда технологик жараёнлар ОСТ Ўз 19-02-96 «Тиббиёт ва микробиология саноати маҳсулотлари. Ишлаб чиқаришнинг технологик рег-

ламентлари. Мазмуни, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби» талабларига мувофиқ технологик жараёнларни ташкил этиш бўйича санитария қоидалари ва ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган гигиеник талаблар, меҳнат хавфсизлиги стандартлари талаблари ҳамда хавфсизлик техникаси бўйича бошқа қонун ҳужжатлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

76. Технологик жараённинг ҳарорат, босим ва бошқа параметрлари, шунингдек юкланаётган хом ашё миқдори, сериялар рақамлари, чиқиш маълумотлари ҳамда алоҳида изоҳлар технологик дафтарлар ва операцион варақларида акс эттирилиши лозим.

77. Иш жойларида ва цех бошлиғида технологик йўриқномалар ва хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги ва саноат санитарияси бўйича йўриқномалар бўлиши лозим.

## 2-§. Ёнғин ва портлаш хавфсизлиги талаблари

78. Ишлаб чиқишда ўрганилмаган ёнғин ва портлаш хавфи ва токсик хусусиятларига эга бўлган моддалар ва материалларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш тақиқланади.

79. Технологик жараёни ишлаб чиқиш, унга аппаратурани киритиш, назорат ва бошқарувни амалга оширишда, шунингдек аварияга қарши ҳимоя воситаларининг танловида ёнғин ва портлаш хавфсизлиги таъминланиши лозим.

80. Технологик объектларнинг портлаш хавфлилиги ҳолати юзасидан белгиланган тартибда назорат ўрнатилади.

81. Технологик жараёнлар жойлаштирилган бинолар ва хоналарнинг портлаш жихатидан хавфлилик тоифалари лойиҳа ташкилоти томонидан ТЛТМ 24-86 «Технологик лойиҳалаштириш тармоқ меъёрлари»га мувофиқ ҳар бир аниқ ҳолат учун алоҳида аниқланади.

82. Бир маротаба ишлаб чиқаришда, цех ёки қурилмада бир вақтнинг ўзида ёки навбатма-навбат битта идишда ва қувурларда ҳамда битта ускуналарда этил ва метил спиртини қўллаш тақиқланади.

83. Метанол ва этил спиртини хом ашё, ёрдамчи материал ёки маҳсулот сифатида қўллайдиган ишлаб чиқаришларни, одатда, корхонанинг бошқа-бошқа цехларида жойлаштириш тавсия қилинади.

84. Ишлаб чиқариш жараёни метанол ва этил спирти бир вақтнинг ўзида қўлланилишини талаб қилган тақдирда, уларни дастлабки равишда тайёрлаш (қиздириш, ректификация ва бошқалар) ишларини алоҳида технологик ускуналарда ўтказиш назарда тутилиши шарт.

85. Технологик жараёнларни амалга оширишда ёнғинлар, портлашлар, авариялар, захарланишлар содир бўлиши ҳамда атроф муҳит ишлаб чиқариш чиқиндилари (оқова сувлари, вентиляция чиқиндилари ва шу каби) билан ифлосланиш эҳтимолини истисно этадиган шарт-шароитлар таъминланиши лозим.

86. Барча ишлаб чиқариш цехлари, хом ашё ва тайёр маҳсулот омбор-

хоналари, маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши лозим.

87. Вентиляция тизими ёнғиндан дарак берувчи сигнализация билан бирлаштирилган бўлиши лозим.

88. Куч ва ёритиш тизими тармоқларининг электр асбоб-ускуналари худудлар таснифи ҳамда бинолар ва хоналарнинг тоифасига биноан талаб қилинадиган меъёрларга жавоб бериши лозим.

89. Ёнғин-портлаш жиҳатидан хавфли бўлган ишлаб чиқаришларда ёнғин-портлаш жиҳатидан хавфли суюқликларни ва суюлтирилган газларни босим остида ўтказиш ва вакуумни бўшатиш инерт газлар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

90. Таблетка ишлаб чиқаришда портлаш жиҳатидан хавфли бўлган чанг ажралишининг эҳтимоли мавжуд бўлиши сабабли, технологик жараёни ташкил қилиш ва ускуналардан фойдаланиш ишлари белгиланган тартибда амалга оширилиши лозим.

91. Гранула шаклига келтириш операциясида тез ўт оладиган суюқликлар (бундан кейинги ўринларда ТЎОС деб юритилади) қўлланилган тақдирда ТЎОС буғларининг портлаш жиҳатидан хавфли бўлган даражалари ҳосил бўлишини олдини олиш чоралари кўрилиши зарур.

### **3-§. Ходимлар ҳимоясини ва ишлаб чиқариш ускуналари автоматик ўчишини таъминловчи назорат ва технологик жараёнларни бошқариш тизимлари**

92. Портлаш жиҳатидан хавфли технологик жараёнлар учун технологик ускуналарда аварияга қарши ҳимоя тизимлари назарда тутилади.

Аварияга қарши ҳимоя тизимлари технологик жараёни бошқаришнинг умумий тизимига уланган ҳолда бўлади.

93. Аварияларни олдини олиш мақсадида технологик тизимларда аварияга қарши қурилмаларни, жумладан қулфлаш, қулфлаш-тартибга солиш темирини, клапанларни, ажратувчи ва бошқа ўчирувчи қурилмаларни ҳамда босим қиймати ошиб кетишига қарши сақловчи қурилмаларини қўллаш тавсия қилинади.

94. Технологик жараёни олиб бориш хавфсизлиги аниқ бир параметрлар (ҳарорат, босим, рН ва бошқалар) билан белгиланадиган барча аппаратларда (сигнал берувчи асбоблар, ростловчи асбоблар, ўзиёзар асбоблар ва кўрсатувчи асбоблар) ўрнатилган бўлиши лозим.

95. Меҳнат шароитлари хавфсизлигини таъминлаш ва технологик жараёнинг физикавий-кимёвий параметрларини назорат қилиш учун, ишлаб чиқаришлар назорат-ўлчов асбоблари, авария, огоҳлантирув ва технологик сигнализациялари билан таъминланган бўлиши лозим.

96. Аппаратлар ичидаги токсик тез ўт оладиган ва ўювчи суюқликларнинг сатҳини ўлчаш ишлари сатҳ ўлчачигч ёрдамида амалга оширилиши лозим.

97. Корхона ва цех раҳбарияти қонун ҳужжатларига мувофиқ, зарарли



иш шароитларини бартараф этиш, бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш ва иш жойларини тегишли санитария-гигиена ҳолатда сақланишини таъминлаш бўйича зарурий чораларни кўриши шарт.

#### **4-§. Зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзага келганлиги ҳақида ўз вақтида хабар бериш усуллари**

98. Ёнувчи газлар, ТЎОС буғлари ажралиб чиқиши эҳтимоли бўлган ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво таркибида буғлар ва газларнинг портлаш жиҳатидан хавфли даражалари мавжудлигини назорат қилиш учун (буғлар ва газларнинг ажралиш эҳтимоли юқори бўлган жойларда) автоматик сигнализаторлар ўрнатилган бўлиши лозим. Сигнализаторлар авария вентиляциясига уланган бўлиши зарур.

Ёнувчи газлар ва буғларининг портлаш жиҳатидан хавфли даражалари ҳақида дарак берувчи сигнализация тизимлари (чироқли ва товушли) сигналлаштирилган бўлиши лозим.

99. Авария ёки бошқа носозликлар аниқланган ҳолда, авария вазияти масъул шахслар томонидан баҳоланиши, шунингдек, цехда авария ҳолати эълон қилиниши ҳамда бу тўғрисида корхонанинг раҳбари хабардор қилиниши лозим.

#### **5-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг юзага келиши билан боғлиқ бўлган технологик жараёнлар ва операцияларни, кўрсатилган омиллари мавжуд бўлмаган ёки уларнинг таъсири нисбатан суст бўлган технологик жараёнлар ва операцияларга алмаштириш тадбирлари**

100. Ёнғин, портлаш ҳамда зарарли ишлаб чиқаришда ходимнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган жойлар белгилаб қўйилиши шарт. Бундай жойларда тегишли ёзувлар ва огоҳлантирувчи белгилар қўйилган бўлиши лозим.

101. Цех ва корхона раҳбарияти ҳар йили, меҳнат шароитларини яхшилашга, зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини бартараф этиш ёки камайтиришга қаратилган меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиши шарт.

Тадбирлар режаси қўйдаги масалаларни қамраб олиши лозим:

хом ашёнинг зарарли ва тез ўт оладиган турлари қўлланилмайдиган, технологик чизмаларни содалаштирадиган ва меҳнат шароитларини яхшилайдиган янги ишлаб чиқариш усуллари ишлаб чиқиш;

реакциялар содир бўладиган аппаратларда ҳарорат ва босимни автоматик равишда назорат қилиш ва тартибга солиш асбобларини, меҳнатни енгиллаштириш ва санитария-гигиена жиҳатидан тегишли меҳнат шароитларини яратиш мақсадида меҳнат талаб қиладиган жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш мажмуасини ўрнатиш.

**6-§. Технологик жараён бузилган ҳолатда ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар**

102. Технологик аппаратларнинг иши қўйидаги ҳолларда дарҳол тўхта-тилади:

- а) авария ҳақида дарак берувчи сигналда;
- б) ускуналар ва қувурларнинг герметиклиги шикастланганда;
- в) тўсатдан зарарли ишлаб чиқариш маҳсулотларининг ҳиди ёки кўзга кўринар миқдори пайдо бўлишида;
- г) ёнғинда;
- д) бахтсиз ҳодисада.

103. Ишлаб чиқариш хоналарининг иш жойларида зарарли газлар, буғлар ва чанг миқдори рухсат этиладиган энг юқори концентрацияларидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

104. Ампулаларни кавшарлаш ҳудудларида ишлашда горелка носоз ёки газ магистрали тешик бўлганда машинада ишлаш тақиқланади.

105. Ишлаб турган горелкани қаровсиз қолдириш ва тез ўт олувчи материалларни горелкага яқин жойда сақлаш тақиқланади.

**7-§. Бошланғич материаллар, ярим маҳсулотлар ва ярим тайёр маҳсулотларга қўйиладиган талаблар**

106. Ишлаб чиқаришга келиб тушаётган хом ашёга унинг аналитик паспорти илова қилиниши лозим.

107. Хом ашё ва ёрдамчи материалларини илмий-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ техник ва сифатини назорат қилиш бўлимларининг ҳулосаси олингандан ҳамда лаборатория текшируви ўтказилганидан сўнг ишлаб чиқаришга қўйилади.

108. Дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида улар микроблар билан зарарланишини олдини олиш учун хом ашёни тайёрлаш (идиш ва ўрамдан олиш) ишлари алоҳида хонада амалга оширилиши лозим.

109. Хом ашё, ёрдамчи моддалар ва тайёр маҳсулотларни қўлда олиш тақиқланади, бу маҳсулотлар куракчалар ва чўмич ёрдамида олиниши лозим.

110. Хом ашёга унинг токсикологик ва ёнғин тавсифи илова қилиниши шарт.

111. Хом ашё заводнинг бирламчи ўрамида омборхоналарда сақланиши керак.

112. Аварияларни олдини олиш мақсадида технологик қайта ишлашга тушган хом ашё барча турдаги аралашмалардан тозаланган бўлиши лозим.

**8-§. Бошланғич материаллар, ярим маҳсулотлар,  
ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва ишлаб  
чиқариш чиқиндиларини сақлаш ва транспортда ташиш  
усулларига қўйиладиган талаблар**

113. Хом ашё ва фойдаланиладиган материаллар умумий завод омборхоналарида сақланади ва бир-икки суткалик захирани таъминлайдиган миқдорда цехга узатилади.

114. Янги лойиҳалаштириладиган ампула цехларидаги омборхоналаридаги шиша дроти, шиша ампулалари, картонаж буюмлари ва бундай ишлаб чиқаришда қўлланиладиган бошқа материаллар захираларини бевосита цех ёнида сақлаш имкониятини мўлжаллаган ҳолда лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқдир.

115. Хом ашё ва ёрдамчи материалларни уларнинг бир-бирига эркин яқинлашиш имкониятини таъминлайдиган усулда жойлаштирилиши лозим.

116. Ўт олиш ҳарорати 45<sup>o</sup>C ва ундан паст бўлган тез ўт олувчи суюқликлар резервуарларда сақланиши лозим.

117. Тез ўт олувчи ва ёнувчи суюқликлар металл идишларда сақланиши лозим. Айрим ҳолларда тоза ва коррозияни юзага келтирувчи суюқликларни (спиртлар, эфирлар, кислоталар) шиша идишларда, зичлагич материали билан обрешеткаларда сизими 80 литргача бўлган ёпиқ бутилларда сақлаш мумкин.

118. Ўзаро таъсир этиши мумкин бўлган кучли таъсир этувчи захарли моддаларни битта хонада сақлаш тақиқланади.

119. Кислоталар ва бошқа агрессив суюқликлар учун резервуарларни ўрнатишда ва уларни таъмирлаш ишларини бажаришда хавфсизлик ва қулайлик таъминланиши зарурлиги ҳисобга олинishi лозим.

120. Тайёр маҳсулотни сақлаш дори-дармон воситалари бут сақланишини таъминлайдиган хоналарда амалга оширилиши лозим.

121. Зарур ҳолларда сақланаётган маҳсулотни даврий асосда кўриқдан ўтказиш муддатларига, жойлаштириш усули талабларига ҳамда захарли ва кучли таъсир этувчи, тез ўт олувчи, портлаш жиҳатидан хавфли маҳсулотлар ва сақлаш муддати чекланган маҳсулотларни сақлаш юзасидан махсус талаблар кўрсатилган бўлиши лозим.

122. Захарларни цех омборхоналарида сақлаш тақиқланади.

Кучли таъсир этувчи захарли моддалар масъул шахсларнинг назорати остида махсус омборхоналарда сақланиши лозим.

123. Омборхонадаги хоналарининг ташқи юзалари тозалаш ва дезинфекциялаш учун қулай бўлиши керак.

124. Сақлаш хоналари етарли даражада содда, тўғри ёритилган, сақланаётган материалларни қуруқ, тоза ва тартибли жойлаштиришни таъминлайдиган тарзда жиҳозланган, ҳамда етарли миқдорда стеллажлар, шкафлар ва поддонлар билан таъминланган бўлиши лозим.

125. Омборхона қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган бўлиши керак. Омборхонага бегона кишиларнинг кириши тақиқланади.

126. Барча бошланғич дори-дармон воситалари, ёрдамчи моддалар ва идиш-ўрам материаллари белгиланган стандартларга ва техник шартларга жавоб бериши лозим.

127. Кислоталар ва ишқорларни оқим-тортиш вентиляцияси билан жиҳозланган алоҳида хонада, герметик ёпиқ идишда сақлаш лозим.

128. Озиқ-овқат хом ашёларини (шакар, крахмал, ун ва бошқалар) саноат ўрамида, номига кўра алоҳида, омборхонанинг бошқа хоналаридан изоляцияланган, қуруқ ва шамолланадиган хоналарда сақлаш лозим.

129. Бошланғич дори-дармон воситаларини, ёрдамчи моддаларни ва идиш-ўрам материалларини ташиш учун тозаликда сақланиши зарур бўлган махсус транспорт зарур. Жалб қилинган ёки йўловчи транспортдан фойдаланиш рухсат этилмайди.

130. Ташиш жараёнида бошланғич дори-дармон воситалари, ёрдамчи моддалар ва идиш-ўрам материаллари пана жойда сақлаш ёки махсус коплама ёрдамида куёш нурларидан, атмосфера ёғинлари ва чангдан химояланган бўлиши лозим.

131. Ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни сақлаш учун мўлжалланган омборхона хоналарини саноат корхоналарини лойиҳалаштиришнинг ёнғинга қарши ва санитария меъёрларига биноан жиҳозлаш ва сақлаш зарур.

132. Хом ашёни қабул қилиш, сақлаш, бериш ва тайёрлаш хоналарида дори-дармон моддаларини тортиш учун мўлжалланган ва ҳаво тортиш вентиляцияси билан жиҳозланган иш жойи ажратилиши керак.

**9-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг манбалари бўлмиш ишлаб чиқариш чиқиндиларини ўз вақтида чиқариб юбориш ва зарарсизлантириш юзасидан талаблар**

133. Технологик чиқиндилар уларни атмосферага чиқариб юборишдан олдин зарарли маҳсулотлардан тозаланиши ёки тизимга қайтарилиши шарт.

134. Аралаштириш натижасида портлаш жиҳатидан хавфли аралашмани ҳосил қилиши мумкин бўлган газ чиқиндиларини умумий коллекторга бирлаштириш рухсат этилмайди.

135. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини ва бошқа чиқиндиларни мунтазам равишда махсус мўлжалланган печларда ёқиб юбориш орқали йўқ қилиш ёки корхоналардан махсус белгиланган жойга олиб чиқиш лозим.

136. Корхонада йўқ қилиниши лозим бўлган ўраш ва қадоқлаш материалларини, шунингдек, бошланғич хом ашё ва яроқсиз деб эътироф қилинган маҳсулотларни ўғирланишига йўл қўймаслик учун тегишли чоралар қўрилиши лозим.

**10-§. Ходимларнинг бошланғич материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулот ва ходимларга зарарли таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш чиқиндилари билан бевосита алоқада бўлишини олдини олиш бўйича чоралар**

137. Қуритиш ва намуналарни танлаб олиш жараёнлари портлаш-ёнғин жиҳатидан хавfli моддалар билан ифлосланиш эҳтимолини истисно этиши ва зарур бўлганда маҳаллий тортиб олиш ускуналари билан жиҳозланиши лозим.

138. Токсик, тез ўт олувчи ва агрессив суюқликлар учун сифимли аппаратурадаги сатхларни ўлчаш ишлари аппаратларнинг қопқоғини очиш заруратини истисно этувчи сатхўлчагичлар ёрдамидагина амалга оширилиши керак.

139. Аппаратлар ва идишлардаги тез ўт олувчи суюқликлар ва суюлтирилган ёнувчан газларнинг сатхўлчагичлари ёнғин жиҳатидан хавфсиз бўлиши лозим.

140. Заҳарли, токсик ва тез ўт олувчи суюқликларнинг сатҳини ўлчаш учун ўлчов ойналарини қўллашга рухсат этилмайди. Истисно тариқасида, механик шикастланишдан химояланган ҳамда бириктирувчи қувурларни автоматик беркитадиган қопқоқлар ҳамда суюқликнинг етарли сатҳини кўрсатувчи қизил чизикча мавжуд бўлиш шарти билан, ўлчов ойналари кўпи билан 8,5 кгс/см<sup>2</sup> ташкил этадиган ортиқча босим билан ишлайдиган аппаратлар ва идишларда қўлланиши мумкин. Бунда ўлчов ойналари тегишли металл гардиш билан химояланган бўлиши лозим.

**11-§. Ходимларнинг хавfli ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсирдан химоясини таъминлаш бўйича талаблар**

141. Технологик жараёнларнинг ташкил этилиши ва ишлаб чиқариш ускуналари ишчиларнинг ускуналарга хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш операцияларини бажаришда таъсир қилувчи (қўзғатувчи) ҳамда зарарли ва агрессив моддалар билан алоқада бўлиши эҳтимолини истисно этиши лозим.

142. Ўсимлик чанги организмга зарарли таъсир этиш ёки портлаш манбаси бўлиш хусусиятига эгалиги сабабли, ўсимлик хом ашёси майдаланган ва экстракторларга юкланганида чанг ушлаш ва чангни босиш чоралари кўрилиши шарт.

**IV. Ишлаб чиқариш ускуналарига қўйиладиган талаблар**

**1-§. Ускуналарга қўйиладиган умумий талаблар**

143. Фармацевтика ишлаб чиқаришида қўлланиладиган ускуналар ГОСТ 12.2.003-91 «Ишлаб чиқариш ускуналари. Умумий хавфсизлик талаблари» ва бошқа тармоқ ҳужжатлари талабларига жавоб бериши шарт.

144. Дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш ва уларнинг сифатини назорат қилиш учун қўлланиладиган ускуналарни уларни ишлатишга тайёрлаш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш ишларини имкон қадар енгиллаштириш мақсадини кўзлаган ҳолда қуриш ва жойлаштириш лозим.

145. Ускуналар ва назорат-ўлчов асбобларининг тури, ўлчамлари ва тавсифлари ўтказилаётган технологик жараёнларга мувофиқ бўлиши лозим.

146. Жойлаштирилган ускуналар табиий ёруғликни ва хонага ташқаридан ойна орқали ҳаво киришини тўсмаслиги лозим.

147. Назорат-ўлчов асбоблари технологик жараённинг давом этишини кузатиш учун уларнинг хизмат кўрсатиладиган қисмлари ёритилишини таъминлаган ҳолда ўрнатилиши лозим.

148. Дори-дармон воситаларини тайёрлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш учун қўлланиладиган тарози ва ўлчов асбоблари даврий асосда умумий қабул қилинган усулларда калибровка ва текширувдан ўтказилиши лозим.

149. Маҳсулотни ишлаб чиқариш, ўраш, сақлаш ва транспортда ташиш, унинг сифатини назорат қилиш ишларида компьютер техникасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

150. Цехдаги ускуналар уларга эркин яқинлашиш имконияти таъминланган ҳолда ўрнатилган бўлиши лозим. Ускуналарни ўрнатишда тозалаш учун қийин ва ноқулай жойларни қолдирмаслик лозим, чунки бундай жойлар чиқиндилар ва чанг тўпланиш манбаси бўлиши мумкин.

151. Ускуналар конструкциясига қўйидаги талаблар қўйилади:

а) ускуналарнинг бошланғич хом ашё, ярим маҳсулот ёки тайёр маҳсулот тегадиган юзалари дезинфекциялаш воситалари билан ишланишга чидамли бўлган силлиқ ва токсик бўлмаган, коррозияга бардошли материалдан тайёрланган бўлиши зарур;

б) ускуналарнинг ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан алоқа қиладиган барча қисмлари уларни ювиш, дезинфекцияловчи воситалар билан ишлаш ёки стериллаштириш ишларини енгиллаштириш учун ечиладиган ва ажраладиган бўлиши зарур;

в) тайёр маҳсулотлар ифлосланиши ва уларнинг сифати салбий томонга ўзгаришига йўл қўймаслик мақсадида, ускуналар улардан фойдаланиш учун қўлланиладиган материаллар (масалан, мойлаш материаллари) билан ифлосланмаслиги лозим;

г) барча узатувчи қурилмалар (транспортёрлар, қимматли узатмалар, трансмиссия приводлари) ёпиқ ёки тўсилган бўлиши зарур;

д) бункерлар, идишлар ва бошқа шунга турдош ускуналар ёпиқ бўлиши шарт;

е) барча технологик идишларни, аппаратларни ва бошқа ускуналарни даврий асосда тозалаш, ювиш ва дезинфекциялаш жадваллари тузилган ва уларда юувчи ҳамда дезинфекцияловчи воситалар кўрсатилган бўлиши лозим. Жадваллар цех бошлиғи томонидан ишлаб чиқилади ва корхонанинг бош муҳандиси томонидан тасдиқланади.

Ускуналардан тегишлича фойдаланиш учун ўрнатилган ускуналарнинг

амалдаги технологик ускуналар, таъмирлаш тизими ва қонун ҳужжатларига биноан корхонанинг бош муҳандиси томонидан тасдиқланган жадвалга кўра ускуналарни профилактик кўриқдан ўтказиш ва уларни таъмирлаш бўйича барча чораларни кўриш лозим.

152. Ускунани ишга тайёрлашни уни дезинфекцияловчи воситалар билан ишлаш ёки стериллаштириш бўйича йўриқномага биноан амалга ошириш лозим.

153. Ускуна дезинфекцияловчи воситалар билан ишланганида ёки унинг ишчи қисмлари стериллаштирилганидан сўнг белгиланган тартибга биноан ускунанинг ишлашга тайёрлик сифати назорат қилиниши лозим.

154. Дори-дармон воситасининг ягона турини ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган ускуна маҳсулотнинг турли тоифалари аралашиб кетишига йўл қўймайдиган усулда тозаланиши лозим.

155. Дори-дармон воситаларининг бир нечта номларини ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган ускуна ювиш сувлари таркибидан, тайёрланган дори-дармон воситаси таркибидаги дори-дармон моддалари тўлиқ йўқ бўлмагунга қадар астойдил тозаланиши лозим.

156. Дори-дармон воситаларининг кейинги номланишини ишлаб чиқаришдан олдин ускуна белгиланган талабларга биноан ювиб чиқилиши, дезинфекцияловчи воситалар билан ишланиши ёки стериллаштирилиши лозим.

157. Антибиотикларни ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган ускуна қарама-қарши (тескари) контаминацияни олдини олиш мақсадида бошқа дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш учун қўлланилмайди.

## **2-§. Тоза хоналарнинг ускуналарига талаблар**

158. Тоза хоналарда ишлаш учун қўлланиладиган ускуналар, имкон қадар, улардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини тоза хоналардан ташқарида ўтказиш имкониятини таъминлаган ҳолда қурилган ва жойлаштирилган бўлиши керак.

159. Асептик шароитларда ишлаш учун қўлланилаётган ускуналарнинг жараён параметрларини назорат қилиш учун қайд қилувчи асбоблари бўлиши керак.

160. Ускуналар носозликлар ҳақида дарак берувчи сигнализация қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

## **3-§. Ишлаб чиқариш ускуналарини жойлаштиришда хавфсизлик шартлари**

161. Ускуналар қуйидаги мақсадларни кўзлаган ҳолда жойлаштирилиши керак:

бошланғич хом ашё, материаллар оқимини оптимизациялаш, ходимларнинг бир жойдан бошқа жойга ўтиш заруратини имкон қадар камайтириш; дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш жараёнида уларнинг ифлосланиш имкониятини бартараф этиш;

турли хил маҳсулотлар аралашиб кетиши ёки ишлаб чиқариш босқичларининг ўтказилмаслиги хавфини бартараф этиш;

ускуналарни ювиш, ишлаш, улардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш ишларини осонлаштириш;

майдондан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

ташқил этилаётган иш жойлари меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши.

162. Ускуналарни ўрнатишда:

ишчиларнинг доимий туриш жойларида ҳамда бошқариш жойида хизмат кўрсатиш бўйлаб асосий йўлаклар — 2 метр;

машиналар, идишли аппаратлар, маҳаллий ўлчов воситаларига хизмат кўрсатиш бўйлаб асосий йўлаклар — 1,5 метр;

аппаратларга хизмат айланасига кўрсатилиши зарур бўлса, аппаратлар ўртасидаги ҳамда аппаратлар билан хона деворлари ўртасидаги йўлакларнинг кенглиги — камида 1 м;

аппаратлар ва асбобларни кўрикдан ўтказиш ва даврий асосда текшириш ҳамда ростлаш учун йўлакларнинг кенглиги — камида 0,8 метр;

алоҳида турувчи насослар ўртасидаги йўлакларнинг кенглиги — камида 0,8 метр;

пол сатҳидан 0,6 метр ва ундан кўпни ташқил этадиган баландликда жойлашган майдончалар, ўтиш кўприкчалари, зиналар, ўрачалар, бостирмалардаги тешиклар баландлиги — 0,9 метр, пастидан — 0,14 метр бўлган узлуксиз қопламали панжара билан тўсилган бўлиши лозим.

163. Хавфи юқори бўлган объектлар жумласига кирувчи ускуналар босим остида ишловчи идишлар, иссиқлик ишлатувчи қурилмалар, компрессорлар, юк кўтарувчи машиналар ва бошқа ускуналарни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш хавфсизлиги талабларига мувофиқ жойлаштирилиши лозим.

164. Стерил маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган асептик хоналарда фақат бевосита технологик жараёни таъминлайдиган асосий технологик ускуналар ўрнатилган бўлиши лозим. Ёрдамчи ускуналарни асептик хоналарга ёндош хоналарда жойлаштириш зарур.

165. Пол устидан ўтказиладиган қувурлар ўтиш жойлари билан кесишиш ерларида ариқчага ётқизилган ёки ўтиш кўприкчалари (пандуслар) билан қопланган бўлиши лозим.

166. Ўтиш жойлари тепасидан ўтган (агрессив суюқликлар ҳамда иссиқ эритмалар ва буғ ўтадиган) қувурларнинг барча гардишли бириктирувлари химоя қурилмаларига эга бўлиши лозим.

167. Қувурлар уларнинг мўлжалланган мақсадига қараб ГОСТ 14202 «Саноат корхоналарининг қувурлари, махсус бўёқ ранглари, оғоҳлантурувчи белгилар ва қадоқловчи шитоклари»га мувофиқ бўлиши лозим.

168. Ёнғинга қарши қувурларни уларнинг ичида нима бўлишидан қатъи назар, қулфлаш-ростловчи темир қисмларида ва шланглар ҳамда ёнғинларни ўчириш учун бошқа қурилмалар уланган жойларида қизил рангга бўяш лозим.



169. Узиб қўйиш қурилмаларида якуний (очиқ-ёпиқ) ҳолатларни кўрсатувчи белгилар бўлиши лозим.

170. Автоматик ростловчи қопқоқлар ва клапанлар учун одатда бундай белгилар талаб қилинмайди. Агар кранлар ва қулфлаш қурилмаларининг ҳолатини юқорида кўрсатилган усулда белгилаш имкони бўлмаса, йўналиш стрелкаси ёки ёзувлар билан белгилаш зарур.

171. Ер устидан ўтказилган қувурлар хавфли эгилиши ва деформацияланиши оқибатида авария содир бўлиши ва маҳсулотлар ўтиб кетиши хавфини олдини олиш мақсадида қувурларнинг илгаклари ва пойларининг ҳолати юзасидан назорат таъминланиши лозим. Қувурларнинг илгаклари ва пойларида аниқланган ҳар қандай носозликлар дарҳол бартараф этилиши шарт.

172. Кристалланувчи ва елимшак суюқликлар учун қувурларни ўтказишда уларни буг ёрдамида тозалаш, ювиш, зарур бўлган ҳолларда эса – қисмларга ажратиш имконияти назарда тутилиши керак. Қисмларга ажратиш учун қулай бўлган жойлар гардиш воситасида уланган бўлиши керак.

173. Капитал таъмирлашдан сўнг аппаратлар ва қувурлар учун барча қулфлаш мосламалари ва темир қисилган ҳаво ёки инерт газ босими ёрдамида механик чидамлилиги ва герметиклигига синовдан ўтказилиши шарт. Ушбу синовлар мослаб қўйиш ва чилангарлик-механик ишловдан сўнг ўтказилади.

174. Агрессив, зарарли ва портлаш жихатидан хавфли моддалар билан транзит технологик қувурларни бинолар, иншоотлар ва қурилмалар устидан ёки остидан ўтказиш тақиқланади.

175. Ишламаётган аппаратлар ёки қувурларда сурма клапанларни очиқ қолдириш ман этилади.

176. Вақтинчалик ишламаётган аппаратлар ва қувурлар ишлаётган аппаратлар ёки қувурлардан узиб қўйилиши лозим.

Музлаб қолган қувурларни очиқ ўт ёрдамида иситиш мумкин эмас.

177. Қувурларни жойлаштириш ва ўтказиш усули қувурлар ўзини, қулфлаш ва ростлаш темирини ҳамда уланган ёки бевосита қувурларга яқин ерда жойлашган ускуналарни монтаж қилиш, таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш ишларини хавфсиз ва қулай бажариш имконини таъминлаши лозим.

178. Ампулада инъекцион эритмаларни ишлаб чиқаришда материал қувурлари стериллаштириш қурилмалари билан ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш хоналарига ва оқовага тушишига йўл қўймайдиган қулфлаш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим. Инъекцион эритмаларни тайёрлаш участкасида ускуналар ва коммуникацияларни буғлаб чиқиш чизмаси бўлиши лозим.

#### **4-§. Иш жойларининг хавфсизлиги юзасидан талаблар**

179. Фармацевтик ишлаб чиқаришда доимий иш жойлари тегишли мебеллар (ёзувлар учун қулай стол, стуллар, иш ва авария асбоблари учун шкаф), керакли якка тартибдаги ҳимоя воситалари, тиббий аптечка, ишлаб

чиқариш йўриқномалари тўплами ҳамда ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома билан жиҳозланиши лозим.

180. Цехларда иш жойлари, йўлаклар ва транспорт учун ўтиш жойларини хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ҳамда турли хил буюмлар билан тўсиб қўйиш мумкин эмас.

181. Технологик ускуналарни ички кўриқдан ўтказиш ва тозалаш учун мўлжалланган дарчалар тўсилмаган бўлиши зарур.

182. Металл коррозиясини юзага келтирувчи идишлар ҳар 12 ойда ички кўриқдан ва синовдан ўтказилиши шарт.

183. Таъмирлашдан, ички кўриқ ва синовдан ўтказишдан олдин портлаш жиҳатидан хавфли ва токсик моддали аппаратларни ювиш ва ҳаво ёрдамида тозалаш учун сув, буғ ёки инерт газ тармоқларини улаш учун штуцерлар назарда тутилган бўлиши керак.

184. Идиш билан сақлагич клапани ўртасида қулфлаш қурилмаси бўлмаслиги лозим.

185. Сақлагич қурилмалари ва захарли, ёнувчан ёки портлаш жиҳатидан хавфли бўлган газлар босими остида ишлаш учун мўлжалланган стационар идишлар ўртасида ўчириш-ёқиш кранини ўрнатиш мумкин, бунда ўчириш-ёқиш крани идишни иккита сақлагич қурилмалари билан бирлаштирадиган штуцерда монтаж қилиниши ва кран пробкасининг исталган ҳолатида сақлагич қурилмаларидан биттаси ёки иккови идиш билан уланган бўлиши шарт.

186. Сақлагич клапанларининг умумий сони белгиланган тартибда ҳисобкитоб қилиш йўли билан аниқланади.

187. Сақлагич клапанлари кўриқдан ўтказиш учун қулай бўлган жойларга жойлаштирилиши лозим.

188. Сақлагич клапанлари ёнувчан ва токсик маҳсулотли аппаратларга (қувурларга) ўрнатилганда улар имкон қадар кам ҳолатда ишга тушишини таъминловчи чоралар қўрилиши лозим.

189. Захарли буғлар ва газлар асосида ишловчи аппаратларда ўрнатилган клапанлардан чиқадиган ва ҳаводан оғир бўлган чиқиндилар чиқинди маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қайтариш имконини берувчи махсус ёпик тизимга юборилиши лозим. Чиқиндилар махсус шимиб олиш қурилмасида зарарсизлантирилганидан сўнг атмосферага ташланиши мумкин.

190. Сақлагич пластинаси (мембранаси) сақлагич клапанидан олдин, улар ўртасида пластина созлигини назорат қилиш имконини берувчи қурилма бўлгандагина ўрнатилиши мумкин.

191. Барча сақлагич пластиналарида завод тамғаси бўлиши ва унда пластинани очувчи босим кўрсатилган бўлиши шарт.

192. Коррозия белгилари, эгик, қирилган жойлари ва бошқа механик шикастланишлар мавжуд бўлган сақлагич планстикаларини ўрнатиш тақиқланади.

193. Портловчи пластиналар (мембраналар) ўрнатилишида хонага зарарли ва портлаш жиҳатидан хавфли газларнинг ажралиш ва мембрана ишлаб

кетган тақдирда учқун чиқиши ҳамда унинг парчалари ва қисмларидан жа-роҳатланиш эҳтимолини истисно этиш чораларини кўриш зарур.

194. Ёрилиб кетадиган мембраналарнинг ўрнатилганлиги тегишли даф-тарда қайд қилиниши ва масъул шахснинг имзоси билан тасдиқланиши лозим.

195. Барча босимли идишларда сатх кўрсаткичлар ва новлар тўлиб ке-тишига йўл қўймайдиган сақлагич қўйиш қувурлари бўлиши шарт.

196. Идишларни тез ўт олувчан суюқликлар билан эркин қўйилиб ту-шаётган оқим усулида тўлдириш тақиқланади.

197. Газларни компримирлаштириш учун махсус мақсадли компрессор-лардан фойдаланиш лозим.

198. Автоклавларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш ҳамда автоклав ўрнатилаётган махсус хонани (автоклавхонасини) лойиҳалаштириш ва ун-дан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошири-лади.

199. Автоклавлардан фойдаланишда:

хавфсиз ҳарорат режимини (автоклавлар деворчаси ҳароратининг ошиш ва пасайиш жоиз тезликларини) ўрнатиш;

автоклавларни ишга тушириш ва тўхтатиш жараёнида иссиқлик жойи-нинг ўзгариш имконини таъминлаш ва қўзғалувчан тиргаклари қисилиб қолган жойлари мавжуд бўлмаслигини назорат қилиш;

автоклавлар ишга туширилганида ва ишлаш жараёнида автоклавлардан конденсатнинг узлуксиз таъминланиши;

ҳар тўрт йилда камида бир марта барча пайвандланган чокларни ва чок зонаси ёнидаги металлни (магнитли-кукунли дефектоскопия ёки бошқа за-рар етказмайдиган усулда) тўлиқ текширувдан ўтказиш;

автоклавларнинг ҳолати автоклавлардан хавфсиз фойдаланиш учун масъ-ул бўлган шахслар томонидан ҳар куни назорат қилиниши ва ушбу мақсад учун мўлжалланган махсус дафтарга тегишли ёзувлар қайд қилиниши таъ-минланиши зарур.

200. Аппаратуранинг ҳаракатланувчи ва айланувчи қисмлари, тасмали ва тирноқли узатмалари, электрускуналар контакти ва валларининг чиқиб турувчи учларида олинадиган тўсиқлари бўлиши лозим.

201. Аппаратларни таъмирлаш учун тўсиқларни ечиш ишлари аппа-рат ўчирилганидан ва механизмлар тўлиқ тўхтаганидан сўнг амалга оши-рилади.

202. Таъмирлаш, кўриқдан ўтказиш ва тозалаш ишларидан сўнг меха-низмларни ишга туширишга тўсиқлар жойига ўрнатилганидан ва унинг бар-ча қисмлари қотирилганидан сўнг рухсат этилади.

203. Бостирмалардаги барча ўтиш жойларида ва монтаж ўринларида баландлиги камида 0,9 м.ни ҳамда пастидан борт баландлиги 0,14 м.ни таш-кил этадиган тўсиқлар ўрнатилган бўлиши лозим.

204. Дастгоҳлар ва аппаратлар механизмларини тозалаш ҳамда таъмир-лаш учун тўсиқлар осон олиниши ёки очилиши зарур.

205. Ишлатилаётган кучланишдан қатъи назар, барча электрускуналар,

электрасбоблар ва тўсиқлар ерга уланган сими билан жиҳозланган бўлиши шарт.

206. Ёнувчан газлар ва буғлар ажралиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш хоналарида ҳаво таркибида буғлар ва газларнинг портлаш жиҳатидан хавфлилик мавжудлигини назорат қилиш мақсадида, саноатда ишлаб чиқариладиган автоматик сигнал берувчи асбоблар ўрнатилган бўлиши зарур.

207. Таркибида олтингугурт, хлор, цианли ва фосфорли бирикмаларнинг буғлари ва газлари ажралиши мумкин бўлган хоналарда портлаш жиҳатидан хавфли миқдор мавжудлиги ҳақида дарак берувчи сигнализаторлар ўрнига рухсат этиладиган энг юқори концентрациялар газанализаторлари ўрнатилиши лозим.

208. Портлаш жиҳатидан хавфлилиги мавжуд миқдор сигнализаторларининг датчикларини қуйидаги тартибда ўрнатиш лозим:

компрессор хоналарида — сальник каробкалари атрофидаги ҳаво намуналари олингандан сўнг ҳар бир компрессорга бир донадан датчик ўрнатилади;

насос хоналарида — насослар жойлаштирилганига қараб ҳаво намуналари олингандан сўнг, бир жисмли маҳсулотларни ўтказувчи насослар гуруҳига биттадан датчик ўрнатилади.

209. Ёнғин ва портлаш жиҳатидан хавфли бўлган ишлаб чиқаришларнинг барча цехлари ва қурилмалари телефон алоқаси билан, ўзаро боғлиқ цехлар эса зарур ҳолларда — ўзаро боғлиқ бўлган агрегатларнинг ишлаши ҳақида дарак берувчи сигнализация билан таъминланган бўлиши лозим.

210. Барча аппаратлар ва машиналари уларни иш жойидан бевосита аппарат ёки машина олдида турган ҳолда ишга тушириш ва тўхтатиш имконияти билан таъминланган бўлиши лозим.

211. Транспортёрлар ва конвейёрларда уларнинг бутун узунлиги бўйича исталган жойда туриб тўхтатиш қурилмалари назарда тутилган бўлиши лозим.

212. Умумий ишлаб чиқариш босқичига киришишнинг зарурий кетмакетлигини таъминлаш учун ягона технологик жараёнда бошқа механизмлар ёки уларнинг гуруҳи билан боғлиқ бўлган ҳар бир механизм ёки механизмлар гуруҳи автоматик блокировкаланиш қурилмалари ёки сигнал берувчи мосламалар билан жиҳозланади.

#### **5-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсир этиш даражасини пасайтириш чоралари**

213. Тайёр дори-дармон воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарининг ускуналари герметик, кимёвий таъсирга бардошли бўлиши ва хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни оксидлар, металл тузлари ва бошқа аралашмалар билан ифлослантирмаслиги лозим.

214. Кучли таъсир этувчи ва захарли моддалар (хлор, бром, цианид кислота, цианли тузлар, мишьяк ва бошқалар) қўлланиладиган технологик жараёнларни олиб бориш учун мўлжалланган аппаратура маҳаллий тортгич-

лар ва зарарли моддалар тарқалишини олдини олувчи керакли қурилмалар билан жиҳозланган боксларда, ёпиб қўйиладиган жойларда ёки изоляцияланган хоналарда жойлаштирилиши лозим.

## **V. Ишлаб чиқаришнинг айрим турларига махсус талаблар**

### **1-§. Таблеткаларни ишлаб чиқариш**

215. Таблеткаларни ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий ускуналари ҳисобланадиган янчиш машиналари, грануляторлар, қуритгичлар, қорғичлар, таблетпресслар, дражировкалаш қозонлари, таблеткаларни қадоқлаш ва ўрамига солиш машиналаридан фойдаланишга белгиланган турдаги тўсиқлар ва блокировкалар мавжуд бўлиши шарти билан рухсат берилади.

216. Таблетка ишлаб чиқаришда портлаш жиҳатидан хавfli бўлган чанг ажралиши эҳтимоли мавжудлиги сабабли, технологик жараёни ташкил қилиш ва ускуналардан фойдаланиш ишларини ОСТ 64-031-87 ССБТ «Тайёр дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари. Таблеткаланган дори-дармон шакллари ишлаб чиқариш. Хавфсизлик талаблари» ва «Таблетка ишлаб чиқаришларида хавфсиз иш тартибини таъминлаш бўйича тавсиялар» талабларига мувофиқ амалга ошириш лозим.

217. Таблетка ишлаб чиқаришларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланишда битта агрегатда бир нечта операцияни бажариш имконини таъминлайдиган қурилмаларни жорий этиш зарур.

218. Гранулалаштириш операциясида тез ўт олувчан суюқликлар қўлланилганида хонада белгиланган турдаги буғларнинг портлаш жиҳатидан хавfli миқдори ҳосил бўлишини олдини олиш чораларини кўриш зарур.

219. Ингредиент сифатида кучли таъсир этувчи ва заҳарли моддалар қўлланиладиган таблетка шаклидаги дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш махсус ажратилган ускуналарда ва алоҳида ажратилган участкаларда амалга оширилиши лозим.

220. Таркибида кучли бўёвчи ҳамда бўялган чанг чиқарувчи моддалар (курук экстрактлар, активлаштирилган кўмир ва бошқалар) мавжуд бўлган таблетка шаклидаги дори-дармонлар маҳсулотларини бошқа хоналардан ажратилган алоҳида хоналарда сақлаш лозим.

221. Таблеткаларни чангидан тозалаш вакуум ёки чангютгичлар ёрдамида махсус қурилмалар орқали амалга оширилади.

222. Таблеткаларни кўриб чиқиш ва яроксизларини ажратиш столлари маҳаллий ёритиш асбоблари ва ҳаво тортиш вентиляцияси билан жиҳозланган бўлиши керак.

223. Дражировкалаш қозонлари махсус таянч тўсиқлари билан жиҳозланган бўлиши ва етарлича самарали ҳаво тортиш ҳамда хонага чанг тушишига йўл қўймайдиган чангтутқич қурилмаларига эга бўлиши лозим.

**2-§. Ампуладаги инъекция эритмаларни ишлаб чиқариш**

224. Инъекцион эритмаларнинг асосий босқичларини изоляцияланган хоналарда жойлаштириш лозим.

225. Иссиқлик ажратмалари қўп бўлган (шишадамгарлик, ампулаларни кавшарлаш ва стериллаштириш бўлимлари) хоналарда вентиляция ва ҳавони чиқариш юқоридан амалга оширилиши лозим. Шишадамгарлик бўлимлари хоналарининг баландлиги камида 6 метр бўлиши лозим.

226. Хонага нурли ва конвектив иссиқлиги тушишини олдини олиш мақсадида ампулаларни юмшатиш печлари ҳимоя экранлари ва маҳаллий вентиляция тортгичлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

227. Хоналар шиша парчалари, яроқсизга чиқарилган ампулалар ва шиша чангидан астойдил тозаланиши лозим.

228. Ампулаларни шакллантирувчи яримавтоматлар марказлаштирилган шиша чиқиндиларини йўқ қилиш тизими билан жиҳозланган бўлиши зарур.

229. Ускуналарни шиша парчаларидан қисилган ҳаво ёрдамида тозалаш тақиқланади.

230. Ампулаларни тайёрлаш участкасида шовқинни камайштириш мақсадида хона деворлари товушютиш қопламалари билан ишланган бўлиши лозим.

231. Шишадротни калибрлашда иш жойлари ўртасидаги масофа камида 2 метр бўлиши шарт. Дротни калибрлаш механизациялашган бўлиши керак.

232. Йўлакларни шишадроти билан тўсиб қўйиш тақиқланади.

233. Ампулаларни шакллантирувчи машиналарнинг шишадроти ҳимоялагич металл сеткали махсус штативларда ўрнатилиши лозим.

234. Ампулаларни шакллантирувчи яримавтоматлар ва ампулаларни кавшарлаш машиналарида ишлашда газ хўжалиги учун белгиланган хавфсизлик қоидаларига қатъиян риоя этиш зарур.

235. Ампулаларни тайёрлаш ва кавшарлаш хоналарида ҳаво таркибида углерод оксиди мавжудлигини даврий асосда текшириш зарур.

236. Электр энергияси тасодифан ўчиб қолган тақдирда ампулаларни шакллантирувчи яримавтоматларга ва ампулаларни кавшарлаш машиналарига газ узатилишини дарҳол тўхтатиш зарур.

237. Ампулаларни шакллантирувчи яримавтоматлар ва ампулаларни кавшарлаш машиналарини улар тўлиқ тўхтамагунга қадар йиғиштириш ва тозалаш ман этилади.

238. Ампулаларни юмшатиш печи ишлашида иссиқлик бериш мақсадида газ қўлланилаётган бўлса ҳарорат ва тортиш кучини ўлчагич кўрсатмаларини кузатиш зарур.

239. Кучли таъсир этувчи препаратларни ампулаларга жойлаштириш ишлари изоляцияланган хоналарда алоҳида ускуналарда, лавозим йўриқномаларида ва хавфсизлик техникаси бўйича ҳужжатларда қайд қилинган алоҳида эҳтиёт чораларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

240. Асептик хоналарда ҳаво тўғри нурлар таъсиридан ҳимоялагич эк-

рани билан жиҳозланган бактерицид лампали нурлантириш асбобларини ўрнатиш йўли орқали ультрабинафша нурлари билан стериллаштирилади.

241. Дори-дармон моддаларининг буғлари ва чанги ходимларнинг организмга тушишини олдини олиш мақсадида тўкиб юборилган эритмалар сувда ювилиши, синик инъекцион эритмали ампулалар эса иш хоналаридан чиқариб юборилиши зарур.

### **3-§. Фитокимёвий ишлаб чиқариш**

242. Заҳарли эритгичлар иштирокидаги жараёнларни изоляцияланган хоналарда жойлаштириш зарур.

243. Ўсимлик хом ашёси майдаланган ва экстракторларга юкланганида чанг ушлаш ва чангни босиш чоралари кўрилиши шарт.

244. Ўсимлик хом ашёсини юклашда махсус транспортёрлар, пневмотранспортёрлар (кувур бўйича) ёки чанг чиқишига йўл қўймайдиган бошқа механик қурилмалардан фойдаланиш лозим.

245. Экстракторлардан шротни олиш ва цехдан чиқариб юбориш ишлари шнекли, гидравлик транспортёрлар ва қўл меҳнатини истисно этувчи бошқа транспорт қурилмалари ёрдамида амалга оширилиши лозим. Шротни олишдан олдин эритгич қолдиқларини йўқ қилиш учун астойдил буғлаб олиш зарур.

246. Намуналар аппаратдаги махсус штуцер орқали вакуум ёрдамида ёки маҳаллий тортиш мосламали махсус намуна олиш крани орқали олиниши лозим.

247. Дори-дармон моддаларини қуритиш ва янчиш хоналарида чанг ҳосил бўлиши ва тўпланишини олдини олиш учун ускуналарни зичлаш, майдалагич, тегирмон ва етарлича аспирацияли бошқа ускуналар кабиналарига ёпиб қўйиш, чанг ўтмайдиган матоли шланг орқали олиш, ҳар сменада нам латтада тозалаб чиқиш, вакуум ёрдамида тозалаш чораларини кўриш зарур.

248. Қаттиқ дори-дармон моддаларини ўраш ва қайта ишлаш учун ташишни дюралюминийдан ёки зангламайдиган пўлатдан тайёрланган, қопқоғи зич ёпиладиган, олиш учун мосламалар билан жиҳозланган ва этикетка билан таъминланган махсус идишларда амалга ошириш лозим.

249. Суюқ экстрактлар ва дамламаларни, эритмалар ва бошқа препаратлар ўровини изоляцияланган хоналарда амалга ошириш зарур.

250. Банка, склянка, флаконлар ва бошқа шиша идишларни ювиш учун махсус ювиш машиналаридан фойдаланиш зарур.

251. Фитокимё ишлаб чиқаришлари учун белгиланган тартибда аварияларни бартараф этиш режалари тузилиши лозим.

### **4-§. Юмшоқ дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш**

252. Термик куйишларни олдини олиш учун вазелин, ланолин, спермацетни тайёрлаш учун қўлланиладиган бошқа моддалар эритмалари билан ишларни тегишли махсус кийимда, химоя воситаларидан фойдаланган ҳолда

алоҳида эҳтиёткорлик билан белгиланган тартибга мувофиқ ҳарорат ва вақт режимига қатъи риоя этган ҳолда амалга ошириш зарур.

253. Мазлар таркибига кирувчи кукунсимон моддаларни янчиш, элакдан ўтказиш ва аралаштириш ускуналари имкон қадар юқори даражада зичлаш ёки аспирацияли боксларга ўрнатиш зарур.

254. Концетратга коллоид тегирмонларида, шестеренкали насосларда ва увалаш аппаратларида ишлов бериш жараёнида, ускуналар статик электрдан ерга уланган сим билан жиҳозлангани, айланувчан ва ҳаракатланувчан қисмлари кожухлари ва тўсиқлар билан ҳимояланганлигини назорат қилиш зарур.

255. Мазлар ва пасталарни қадоқлаш ва идишларга солиш автоматик тармоқларда амалга оширилиши лозим.

256. Дори-дармоннинг юмшоқ шакллари тийёрлаш, қадоқлаш ва идишларга солиш бўйича автоматик тармоқлардан фойдаланиш жараёнини хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

257. Тармоқлар тўлиқ тўхтатилмагунга қадар уларни тозалаш, носозликларни бартараф этиш ишларини олиб бориш тақиқланади.

258. Бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш мақсадида технологик жараёни олиб бориш давомида полга тушган мойлар мунтазам равишда совунли сув ва бошқа ювиш воситалари билан ювиб тозаланиши лозим.

259. Ювиш учун керосин, бензин ва бошқа органик эритмалардан фойдаланиш тақиқланади.

260. Мой шимилган артиш материалларини махсус металл идишга тўплаш ва ўз вақтида ишлаб чиқариш хоналаридан чиқариб юбориш лозим.

### **5-§. Боғлаш материалларини ишлаб чиқариш**

261. Бинт-ўраш ва бинт-кесиш машиналари устида маҳаллий ёнтортгич қурилмалари ўрнатилган бўлиши лозим.

262. Бинтларни қуритиш камералари ва стерилизациялаш камераларининг юклаш ва тушириш ойналари олдида тортиш зонтлари ўрнатилиши лозим.

263. Бинт-ўраш ва бинт-кесиш машиналари, пресслар, транспортёрларда механик жароҳатлар олишнинг олдини оладиган айланувчан ва ҳаракатланувчан қисмлар ва механизмларининг ишончли тўсиқлари ва блокировка қилувчи қурилмалари мавжуд бўлиши керак.

264. Боғлаш материаллари бўйича ишлаб чиқариш ходимларининг халатининг олд ва ён қисмида боғичлар бўлмаслиги, халат енги тирсакдан юқори бўлиши лозим. Ходимларнинг сочи қалпоқ тагига йиғиштирилган бўлиши зарур.

265. Боғлаш материалларини ишлаб чиқариш ёнғин жиҳатидан хавфли ишлаб чиқаришлар тоифасига мансуб, шу сабабли ишлаб чиқариш хоналари ёнғин ҳақида дарак берувчи автоматик воситалари ва керакли ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.



## VI. Таъмирлаш ишларини амалга оширишда хавфсизлик талаблари

### 1-§. Таъмирлаш ишларини бажариш шартлари ва тартиби

266. Ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ишларини ташкил этиш, ўтказиш шартлари ва тартиби ускуналардан фойдаланишнинг аниқ шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

267. Ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизими техник хизмат кўрсатиш ва режали-эҳтиётдан қилинадиган таъмирлаш ишлари мажмуига асосланади.

268. Техник хизмат кўрсатиш ҳар бир таъмирлаш ўртасидаги даврда ускуналардан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича норматив техник ҳужжатлар талабларига биноан хизмат кўрсатувчи (машинистлар, аппаратчилар, операторлар ва бошқалар) ҳамда техник ходимлар (уста ёрдамчилари, навбатчи чилангарлар, электриклар) томонидан амалга оширилади.

269. Техник хизмат кўрсатиш ҳажмига қўйидагилар киради:

фойдаланиш жараёнида парваришлаш-артиш, тозалаш, мунтазам равишда ташқи кўриқдан ўтказиш, барча носозликларни аниқлаш, мойлаш, подшипникларнинг мойловчи ва совитувчи тизимларини текшириш, мустаҳкамлаш деталлари ва бирикмалари ҳолатини кузатиш ҳамда ерга уланган сим созлигини текшириш;

ускунада майда таъмирлаш ишларини бажариш — майда нуқсонларни бартараф этиш, мустаҳкамланган жойларни ва контактларни тортиб қўйиш, сақлагичларни ва прокладкаларни алмаштириш, қисман ростлаш, изоляциянинг умумий ҳолатини аниқлаш ва бошқалар.

270. Ускуна ишида аниқланган барча носозликлар фойдаланувчи ходимлар томонидан смена дафтарида қайд қилиниши ва фойдаланувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан имкон қадар қисқа муддатда бартараф этилиши шарт.

271. Ускуна учун масъул сифатида бириктирилган хизмат кўрсатувчи ходимлар фойдаланувчи ходимлар томонидан смена дафтарида қайд қилинган ёзувларни мунтазам равишда кўриб чиқиши ва кўрсатилган носозликларни бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

272. Ускуналарни техник хизмат кўрсатиш мақсадида тўхтатиш зарурати, даври ва муддати технологик жараённинг хусусияти ва ишларни хавфсиз ўтказиш имкониятига қараб корхона томонидан белгиланади. Машина ускуналарига техник хизмат кўрсатиш (кўриқдан ўтказиш) ишлар таркибига қараб ускунани тўхтатган ёки тўхтатмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

273. Ускуна таркибий қисмларининг шикастланиш ва емирилиш хусусиятига ҳамда таъмирлаш ишларининг меҳнатталаблилик даражасига қараб хизмат кўрсатиш тизимида жорий, ўрта ва капитал таъмирлашни ўтказиш назарда тутилган.

274. Жорий таъмирлашнинг асосий ишлари техник хизмат кўрсатиш операцияларини амалга ошириш, тез емирилувчан деталлар ва тугунларни алмаштириш, футеровкалар ва коррозияга қарши қопламаларни таъмирлаш, изоляция ўровини қисилган ҳаво ёрдамида тозалаш, унинг қаршилигини ўлчаш ва бошқалардан иборат.

275. Аниқ турдаги усқунани жорий таъмирлашда бажарилиши лозим бўлган ишларнинг намунавий рўйхати корхонанинг бош механиги томонидан тасдиқланади ва таъмирлаш дафтариининг мажбурий иловаси ҳисобланади.

276. Мураккаб усқунани (компрессорлар, центрифугалар ва шу кабилар) жорий таъмирлаш учун нуқсонлар қайдномасини тузиш тавсия қилинади.

277. Ўрта таъмирлаш усқуналар ресурсини қисман тиклаш мақсадида, унинг айрим қисмларини, тугунларини алмаштириш ёки тиклаш ҳамда уларни ростлаш билан амалга ошириладиган таъмирлаш ишлари тизимидан иборат бўлади.

278. Капитал таъмирлаш усқуналарнинг яроқлилиқ ҳолатини тиклаш ва уларнинг ресурсларини тўлиқ ёки деярли тўлиқ тиклаш мақсадида, уларнинг исталган қисмларини, шу жумладан асосий қисмларини алмаштириш ёки тиклаш ҳамда ростлаш билан амалга ошириладиган таъмирлаш ишлари тизимидан иборат бўлади.

## **2-§. Таъмирлаш ишларини ўтказиш муддатлари, масъул шахсларни тайинлаш, таъмирлаш ишларини бажарувчи шахсларнинг малакасига қўйиладиган талаблар**

279. Таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун усқуналар ва қурилмаларни таъмирлаш йиллик режа-жадвали, усқуналар ва қурилмаларни таъмирлаш ойлик режа-жадваллари, ойлик режа-эҳтиётдан таъмирлаш жадваллари, нуқсонлар қайдномалари, сарф-харажатлар сметалари, ишларни бажариш жадваллари, ишларни ташкил этиш режаси, наряд-рухсат ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар тузилиши лозим.

280. Ойлик режа-эҳтиётдан таъмирлаш жадваллари режалаштирилаётган санадан олдинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмаган ҳолда тузилади.

281. Нуқсонлар қайдномаси қурилма бошлиғи ва механиги томонидан тузилади ҳамда қурилма МТХ мажлисида муҳокама қилинади, шундан сўнг капитал таъмирлашдан кечи билан 90 кун ҳамда жорий таъмирлашдан 30 кун олдин тегишли бўлимларга муҳокама қилиш учун тақдим этилади.

282. Таъмирлаш ишларининг раҳбари таъмирлашга тайёрланган усқуналарни цех бошлиғидан ёки у томонидан тайинланган бошқа шахсдан, усқунани таъмирлашга топшириш далолатномасини тузган ҳолда қабул қилади.

283. Капитал таъмирланган усқуна синовдан ва ишлатиб кўриш муддатидан ўтказилганидан сўнг цех бошлиғи ёки у томонидан тайинланган шахс томонидан ишлатиб кўриш муддати тугаганидан сўнг камида уч кунлик вақт

ўтгач ускунани капитал таъмирлашдан топшириш далолатномасини тузган ҳолда қабул қилинади.

**3-§. Таъмирланаётган участкани ажратиш (тўсиш)  
зарурати ва махсус таъмирлашдан олдинги ишларни  
бажариш, таъмирлаш ишлари хавфсиз бажарилишини  
таъминлаш бўйича махсус талаблар**

284. Таъмирлаш ишларини бажарувчи (пудратчи, таъмирлаш хизмати) таъмирлаш ишларини бажаришда хавфли бўладиган жойларда огоҳлантирувчи плакатларни осиб қўйиши, ускуналарни ва материалларни цех ичидаги таъмирлаш зонасига узатиш учун мўлжалланган девордаги тешикларни тўсиб қўйиши шарт. Цехлар ичида ишларни бажариш жараёнида қазилган қудуқлар ва ўралар таъмирлаш ишларини бажарувчи томонидан тўсиб қўйилади.

285. Корхона ҳудудида ва цехларда одамлар ўтадиган жойларда қазилган траншеялардан ўтиш учун суянчиқли кўприкчалар қурилади. Тўсиқларда огоҳлантирувчи ёзувлар ва белгилар, тунги вақтда эса — махсус ёритиш мосламалари ўрнатилади.

286. Цех маъмурияти цех ходимларини объект таъмирлаш учун тўхтатилиши ҳақидаги буйруқ (фармойиш) билан таништириши шарт. Хавфи айниқса юқори бўлган объектларга хавфсиз ҳолат ва объектни таъмирлаш бўйича тегишли йўриқномалар тузилиши лозим.

287. Пудратчининг ходимлари томонидан хавфсизлик техникаси қоидалари бузилган тақдирда, цех маъмурияти ишларни тўхтатиб қўйишга ва қоида бузувчи шахсни ёки бутун бригадани ишларни бажаришдан четлаштиришга ҳақлидир.

288. Таъмирлаш ишларини хавфсиз олиб бориш бўйича ўқитиш ва йўриқнома бериш ишларини ташкил этиш, ушбу ташкилот томонидан белгиланган тартибда, пудратчининг маъмурияти зиммасига юкланади.

289. Таъмирлаш ишларини бажаришда пудратчи цехларга ва ёнғин жўмрақларига транспорт учун ўтиш йўллари ҳамда цехлар атрофи ва ичидаги ҳудуд турли хил ускуналар, материаллар ва қурилиш чиқиндилари билан тўсиб қўйилмаслигини таъминлаши зарур.

290. Таъмирлаш жараёнида:

а) ходимларни хавфли зонадан тўлиқ чиқариб юбормаган ва махсус тадбирларни ишлаб чиқмаган ҳолда аппаратлар ва қувурларни синаш;

б) ўт билан боғлиқ ишларни портлаш жиҳатидан хавфли ёки ёнувчан маҳсулотлар чиқшини юзага келтириши мумкин бўлган (ускуналарни, қувурларни очиш, уларни ҳаво ёрдамида тозалаш ва шу кабилар) ишларни бир вақтда бажариш тақиқланади.

291. Таъмирлашда қатнашувчи барча шахслар белгиланган намунадаги махсус кийимда бўлиши шарт.

292. Таъмирлаш учун топширилаётган ускуна технологик маҳсулотдан тозаланган, ювилган, зарур ҳолларда — нейтраллаштирилган бўлиши лозим.

293. Ускуна таъмирлашдан олдин уни ишга тушириб юбориш имконини

истисно этиш мақсадида ускуналарнинг узатма боғичлари имкон қадар ечилган ҳолатда бўлиши, ишга тушириш тепкилари тагига қўйилган қистирмалар билан қотирилган бўлиши, электр двигателларни ҳаракат туширувчи электр занжири камида иккита жойда узилган бўлиши, шунингдек, ишга тушириш мосламаларида «Ёқиш ман этилади. Одамлар ишляпти» деган ёзувли плакатлар осилган бўлиши ҳамда бошқа ҳолатлар белгиланиши керак.

294. Босим остида ишловчи қувурларда:

а) таъмирлашга топширилган ускуналардан қувурларни узиб қўйиш;

б) таъмирлаш ишларини ўтказиш учун масъул шахс иштирокида узиб қўйилаётган участканинг иккала томонидаги сурма клапанлар ва вентилярни ҳамда унинг тармоқлари томонидан дренаж ва айланма тармоқлар, шунингдек кўтармаларни беркитиб қўйиш;

в) тармоқнинг таъмирланиши лозим бўлган қисмини ўчириб қўядиган сурма қопқоқлар ва вентилярга «Ёқиш ман этилади. Одамлар ишляпти» ёзувли плакатларни осиб қўйиш;

г) қувурнинг ўчирилган қисмидаги босимни тушириш;

д) ўчирадиган сурма қопқоқлар ва вентиляр кераклича зич бўлмаган ҳолда, таъмирланаётган участка ёки ускуналарни, тикинларни ўрнатиш дафтарида қайд қилинадиган тикинларни (заглушқаларни) ўрнатиш орқали ўчириш лозим. Тикинлар аниқ кўринадиган думчали бўлиши ва думчаларини тепага қаратиб ўрнатилиши лозим.

295. Оғир технологик ускуналарни таъмирлаш ишларини таъминлаш учун цех ва участкалар тегишли оғирликда юк кўтариш қобилиятига эга юккўтарувчи машиналар ва механизмлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

296. Юк кўтаргич машиналари ва механизмларда ишлаш учун юк кўтаргич механизмларида ишлаш учун рухсат берилганлиги ҳақидаги гувоҳномага эга бўлган ва махсус йўриқномаларни олган таъмирловчи ходимлар қўйилади.

297. Турли хил юкларнинг жойини ўзгартириш ишларини амалга оширишда қуйидагилар тақиқланади:

а) носоз бўлган юк кўтариш машиналари ва механизмларида ишлаш;

б) маркаланмаган, носоз ва кўтарилаётган юк оғирлиги ва хусусиятига кўра номувофиқ бўлган юк кўтариш мосламалари ва идишларни ишлатиш;

в) бош механик ёки унинг ўринбосари томонидан берилган ёзма рухсатномасиз юк кўтаргич механизмлари ва мосламаларини мустаҳкамлаш учун бинонинг бостирмалари, устунлари ва бошқа конструкцияларидан фойдаланиш;

г) юк кўтариш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш қоидаларини ҳамда корхонада жорий этилган қоидаларни бузиш.

298. Оғирлиги 50 кг.дан юқори бўлган юкларни 1,5 м.дан баландга кўтаришда тегишли оғирликдаги юкларни кўтариш қобилиятига эга юк кўтариш ускуналарини қўллаш ёки чидамлилиги ҳисоб-китоблар асосида текширилган ва керакли оғирликдаги автоматик равишда тормозланадиган таллар осилган чорпоаялар ва балкаларни ўрнатиш лозим.

299. Баландлиги 4 м.дан юқори бўлган ҳавозалар инвентарь ҳисобида бўлиши шарт.

300. Тахтасупаларни ёки тўсиқларни ўрнатмаган ҳолда баландлиги 1,5 м.дан юқори бўлган тепаликда қисқа муддатли ишларни бажариш зарур бўлганида сақловчи камарлар қўлланилиши шарт.

301. Таъмирлаш ишлари учун қўлланиладиган зиналар чидамли, ишончли бўлиши ва қўйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

зинанинг узунлиги 5 м.дан юқори бўлмаслиги лозим;

зина поғоналари ён томонларининг ўйиқларига ўрнатилган бўлиши лозим;

нарвонларнинг узунлиги унинг юқори учидан камида 1 м.лик масофада бўлган поғонада туриб ишлаш имконини таъминлаши керак;

нарвоннинг қўйи учи, сурилиб кетишини олдини олиш мақсадида, ўткир металл тирноқли бўлиши керак;

қандайдир нарсаларни ушлаб туриш ёки жойидан олиш зарур бўлган ишларда икки ёққа очиладиган нарвондан фойдаланиш лозим, бунда ушбу нарвоннинг юқори майдончаси уч томонидан камида 1 м. баландликдаги суянчиқлар билан ўралган бўлиши лозим;

икки ёққа очиладиган нарвонларда иш вақтида очилиб кетишга йўл қўймайдиган мосламалар бўлиши керак;

транспорт ёки одамлар юрадиган участкада нарвон ўрнатилган жой тўсиб қўйилиши ёки кўриқлаб турилиши лозим;

баландлиги 5 м.дан ортиқ бўлган осма металл нарвонлар вертикал боғичли металл дугалар билан тўсилган ва конструкциялар ёки ускуналарга мустаҳкам маҳкамланган бўлиши ёки пастдан хавфсизликни таъминлаётган шахс томонидан ушлаб турилиши лозим;

таъмирлаш жараёнида ишлатиладиган доимий майдончаларда тарамланган темирли тўшама, пастидан 150 мм.лик узлуксиз ён деворча ва баландлиги камида 1 м.ни ташкил этадиган суянчиқлар бўлиши лозим.

302. Деворга қўйиладиган ва икки ёққа очиладиган нарвондан фойдаланишда:

нарвоннинг иккита энг юқори поғонасида ишлаш;

қўйиладиган нарвонга ёки икки ёққа очиладиган нарвоннинг битта томонига иккита ишчи чиқиши;

бир вақтда иккита ва ундан кўп одам кўтарилиши ёки тушиши;

нарвонни айланаётган валлар, шкивлар ва узатмаларнинг бошқа ҳаракатланувчи қисмлари олдида ўрнатиш;

нарвон тагида туриш ёки ишлаш тақиқланади.

303. Баландликдаги қувурлар ва механизмларни таъмирлаш учун наряд-рухсат расмийлаштирилиши лозим.

304. Таъмирлаш ишлари хавфсизлик талабларига биноан тайёрланган керакли чилангарлик асбоб-ускуналари билан таъминланган бўлиши лозим.

## **VII. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик**

305. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарини лойihalаштиришда, қуришда, монтаж қилишда мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи ташкилотлар зиммасига юклатилади.

306. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳамда мазкур Қоидаларни бузилишида айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилаётган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

## **VIII. Яқунловчи қоидалар**

Мазкур Қоидалар «Ўзфармсаноат» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Саноат-контехназорат» давлат инспекцияси билан келишилган.

**«Ўзфармсаноат» ДАК**  
**бошқаруви раиси**

**Б. ЮНУСОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 1 декабрь*

**«Давархитектқурилиш»**  
**қўмитаси раиси**

**Н. ХАНОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 3 декабрь*

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**Ф. НАЗИРОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 5 декабрь*

**Ички ишлар вазири**

**Б. МАТЛЮБОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 8 декабрь*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари**  
**Федерацияси Кенгаши раиси**

**Д. ЖАҲОНГИРОВА**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 10 декабрь*

«Саноатконтехназорат»  
давлат инспекцияси бошлиғи

И. ХОЛМАТОВ

Тошкент ш.,  
2008 йил 12 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ  
БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**30** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-26*

*(2009 йил 29 январдан кучга кирази)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 15/3-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига»га (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 32-сон, 369-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан сўнг кучга кирази.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 13 декабрь,  
28/3-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**31** Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга  
ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттеста-  
ция (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгарти-  
риш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-2*

*(2009 йил 30 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-  
ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.,  
29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон  
Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозо-  
ри фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги  
низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й.,  
3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-  
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш  
маркази томонидан 1999 йил 1 мартда тасдиқланган Қимматли қоғозлар  
билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни  
аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга (1999 йил 3 март,  
рўйхат рақами 660) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритил-  
син.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат  
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кири-  
тилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори  
фаолиятини мувофиқлаштириш ва  
назорат қилиш маркази  
бош директори**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 15 декабрь,  
2008-43-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.



ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**32** Адвокатлик гувоҳномасини беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1888*

*(2009 йил 30 январдан кучга киради)*

«Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ўРҚ-198-сон Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 514-модда) (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) талабларини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Қонуннинг 7-моддасига асосан 2009 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган адвокатлик бюrolари, хайъатлари ва фирмалари, шунингдек уларда ишлаётган адвокатлар адвокатлик бюrolари, хайъатлари ва фирмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, лицензияларини ҳамда адвокат мақомларини 2009 йил 1 июлга қадар Қонунга мувофиқлаштириши шартлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Адвокат мақомини Қонунга мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган адвокатлик гувоҳномасининг янги намунаси билан тасдиқланади.

2. Белгилаб қўйилсинки, адвокатларга тегишли адвокатлик бюrolари, хайъатлари ва фирмалари томонидан муқаддам берилган гувоҳномалар адлия органлари томонидан уларга янги намунадаги адвокатлик гувоҳномаси берилгунга қадар амалда бўлади.

3. Адвокатларга тегишли адвокатлик бюrolари, хайъатлари ва фирмалари томонидан муқаддам берилган ва амал қилиш муддати 2008 йил 31 декабрдан кейин тугаган гувоҳномаларнинг муддати янги намунадаги адвокатлик гувоҳномаси берилгунга қадар узайтирилган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

5. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ва Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (Д. Якубова) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни 10 кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

6. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради ва 2009 йилнинг 1 июлига қадар амал қилади.

7. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазири**

**Р. МУҲИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 20 январь,  
13-мх-сон

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2009 йил 17 январдан 23 январгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 13 декабрдаги 28/4-сонли қарори.*

**2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1885 (2009 йил 29 январдан кучга киради).**

2. «Жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришганлиги учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига бир марталик пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги 122, 12-сонли қарори.*

**2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1886 (2009 йил 29 январдан кучга киради).**

3. «Фармацевтика ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 17 декабрдаги 76-сонли буйруғи.*

**2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1887 (2009 йил 29 январдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 13 декабрдаги 28/3-сонли қарори.*

**2009 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 773-26 (2009 йил 29 январдан кучга киради).**

5. «Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 15 декабрдаги 2008-43-сонли буйруғи.*

*2009 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 660-2 (2009 йил 30 январдан кучга киради).*

6. «Адвокатлик гувоҳномасини беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 20 январдаги 13-мҳ-сонли буйруғи.*

*2009 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1888 (2009 йил 30 январдан кучга киради).*

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низом, 1 ва 3-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 662, 1999 йил 5 март), (рўйхат рақами 662-1, 2000 йил 22 февраль), (рўйхат рақами 662-3, 2008 йил 3 июнь).*

*Адлия вазирининг 2009 йил 19 январдаги 8-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

2. Жаҳон биринчиликларида юқори натижаларга эришган Ўзбекистон Республикаси спортчиларига пул мукофотларини тўлаш тартиби. *Республика пул-кредит сиёсати комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 868, 2000 йил 6 январь).*

*Адлия вазирининг 2009 йил 19 январдаги 9-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## **III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Портлаш-ёниш хавфи бор кимё, нефть-кимё ва нефть-газни қайта ишлаш корхоналари учун портлаш хавфсизлигининг умумий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

*Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.*

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

***LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:***

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:*

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

*излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг куйидаги имкониятлари мавжуд:*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

*респондент ҳужжатлар рўйхати;*

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

*фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:*

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

*фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.*

**WWW.LEX.UZ**

**сайтига марҳамат қилинг**

